

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**
**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

«ТАСАВВУФ ВА ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ»

ФАНИДА МАЪРУЗА МАТНИ

Магистратура мутахассислиги: 5А141102 - Ўзбек адабиёти

НУКУС-2011 ЙИЛ

К и р и ш

Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти курсига кириш.

Режа

1. Мумтоз адабиёт ва тасаввуф.
2. Истиқлол ва мумтоз адабиёт.
3. Давлат ва ҳукумат қарорлари, тасаввуф адабиёти, умуман, адабий мерос масаласига янгича қарашлар

. Тасаввуф ва унинг намояндалари ҳақидаги мўътабар манбалардан бири Фаридиддин Атторнинг "Тазкират-ул авлиё" асаридир. Хожа Абдуллоҳ Ансорий ҳам тасаввуф ва унинг йирик намояндалари ҳақида муфасссал маълумот берувчи асар яратган. Бу асар ўз навбатида Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг шу ҳақда рисола ёзишларига туртки берган.

Абдурахмон Жомий Навоий илтимосига кўра «Нафаъот-ул унс» асарини яратган. Бу асарда кўпроқ форс-тожик мутасаввуфлари ва сўфийлари ҳақида маълумотлар берилган.

Жомий вафотидан кейин Алишер Навоий ҳам шу мавзуга кўл уриб, туркий тилда «Насойим-ул муҳаббат» асарини яратди. Ушбу рисоладан 776 та шайх ва мутасаввуфлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Характерли жойи шундаки, бу сўфийларнинг 32 нафари аёллардир.

Туркий халқлар вакилларида турк олими Кўпрулизоданинг «Илк мутасаввуфлар» номли машҳур асари асримизнинг 30-йилларида яратилди. Фуод Кўпрулизода ўзининг ушбу тадқиқоти билан тасаввуф олами тадқиқотчилари учун кенг йўл очди.

Ўзбек адабиётшунослигида тасаввуф тарихи билан биринчи бўлиб Абдурауф Фитрат шуғулланади. Фитрат кўплаб туркий шайх ва сўфийлар ҳақида ўзбек китобхонларига дастлабки маълумотларни етказди.

Истиқлол шарофати билан яқин ўтмишда кескин қораланган, ўрганиш ва тарғиб этиш таъқиқланган тасаввуф тарихи, унинг моҳияти ҳақида тадқиқотлар олиб бориш имкони яратилди. Тасаввуф тадқиқотчилари орасида Н.Комилов, И.Ҳаққул етакчилик қилмоқдалар.

Тасаввуф шеърияти ва унинг намояндалари шартли равишда иккига бўлинадилар. Биринчиси- ҳақиқат тариқини куйловчилар: Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний, Азим хожа эшон.

Иккинчи оқим – ҳақиқат асрорини мажоз сувратида куйловчилар. Бу оқимга мансуб ижодкорлар аксарият кўпчилиқни ташкил этади.

Турк олими Мустафо Эсоннинг фикрича, сўфий учун шеърият фикр ва ғояларни қаршисидаги кишига етказмоқ воситаси, холос. Мажоз шеърияти вакиллари ҳақиқат тариқини куйлаш учун махсус атамалар тизимини ишлаб чиққанлар. Бу атама ва истилоҳларни билмай туриб, уларни асарларини тўғри талқин қилиб бўлмайди.

Тасаввуфнинг 4 мақоми борлиги қайд этилади:

- | | |
|-------------|-------------|
| 1. Шариат. | 3. Маърифат |
| 2. Тариқат. | 4. Ҳақиқат. |

Суфийлар Ҳазрат Али номи билан боғлаган ҳолда юқоридаги мақомларнинг ҳар бири яна 10 қисмга бўлинишини таъкидлайдилар: Шариатда 10 та:

- | | |
|---------------------|------------------------------|
| 1. Иймон келтирмоқ. | 7. Илм ўрганмоқ |
| 2. Намоз ўқимоқ | 8. Расулий Акрамга пайварлик |
| 3. Рўза тутмоқ. | 9. Амри маъруфни бажармоқ |
| 4. Закот бермоқ | 10. Мункир бўлмаслик. |
| 5. Ҳаж қилмоқ. | |
| 6. Мулойим сўзламоқ | |

II. Тариқатнинг 10 та мақоми

- | | |
|-------------------------|------------------------------------|
| 1. Тавба қилмоқ. | 6. Пир хизматида бўлмоқ |
| 2. Пирга қўл бермоқ | 7. Насиҳат тингламоқ |
| 3. Аллоҳдан қўрқиш. | 8. Тажрид бўлмоқ |
| 4. Аллоҳдан умидворлик. | 9. Тафриб бўлмоқ |
| 5. Зикр айтмоқ. | 10. Пирнинг ижозати билан сўзламоқ |

III. МАЪРИФАТНИНГ 10 ТА МАҚОМИ.

- | | |
|-----------------------------|---------------------------------|
| 1. Фано бўлмоқ | 6. Шариат мақомини маҳкам тутиш |
| 2. Дарвешликни қабул қилиш | 7. Дунёни тарк қилмоқ |
| 3. Тоқат қилмоқ. | 8. Охиратни ихтиёр қилмоқ |
| 4. Ҳалолликни талаб қилмоқ. | 9. Вужуд мақоми |
| 5. Маърифат. | 10. Ҳақиқат асрорини билмоқ |

IV. Ҳақиқатнинг 10 мақоми:

- | | |
|---------------------------------|---|
| 1. Хоки роҳ бўлмоқ | 7. Сайри сулук. |
| 2. Яхши, ёмонни танимоқ. | 8. Ҳақиқат сирини сақлай билиш. |
| 3. Луқмада қаноат. | 9. Юқоридаги 3 босқич ҳукмларин билмоқ. |
| 4. Луқмасини бировга бермоқ | 10. Уларга амал ўйилмоқ. |
| 5. Дилозор бўлмаслик. | |
| 6. Фақирликка мункир бўлмаслик. | |

Тасаввуф таълимоти асрлар давомида шаклланган, бойиган тараққий этган. Юқорида санаб ўтилган босқичлар ва уларнинг мақомлари ҳам маълум ғоявий йўналишга солинган. Бадиий адабиётдаги кўплаб асарлар, машҳур образлар ҳам ана шу талаблар асосида яратилган.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тараққиёти ва ўзбек адабий тили равнақиға улкан ҳисса қўшган улкан ижодкордир.

Алишер Навоий давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам улуғ ишларни амалга оширди. Мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, фаровонликни таъминлашда, ободончилик ишларида ҳамиша бош-қош бўлди.

Адабиётимиз намояндалари қолдирган илмий-адабий мерос ҳайратланарли даражада улкандир. А.Навоийнинг эпик асари "Ҳамса", тўрт лирик девонни ўз ичига олувчи "Ҳазойин-ул маоний" асари, фалсафий достони "Лисон-ут тайр". тарихига оид "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам", адабиётшуносликка оид "Мезон-ул авзон", "Мажолис-ун нафоис", тилшуносликка оид "Муҳокамат-ул луғатайн", ахлокий-фалсафий асари "Маҳбуб-ул қулуб, тасаввуф тарихига оид "Насоим-ул муҳаббат", рубоийлар мажмуаси "Назм ул жавоҳир", диний мавзудаги "Арбаийн", "Сирожул муслимин", хотиралари "Ҳамсатул мутаҳҳаййирин", "Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", мактублар тўплами "Муншоот", ва "Вақфия" ва бошқа бир қатор асарлари халқимизнинг маънавий-маданий мулки бўлиб қолмоқда.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоларидан бири. Шубҳасиз, она Ватанимиз шуҳратини янада оширишда Алишер Навоийнинг умрбоқий асарлари, умуман, мумтоз адабиётимизни буюк намуналари ўз ҳиссасини қўшишда давом этаверади.

Тасаввуфи таълимотининг пайдо бўлиш тарихи ва асосий йўналишлари. Режа:

1. Ислом дини ва тасаввуф; тасаввуфнинг зоҳидлик, ошиқлик ва орифлик даврлари;
2. XIII аср ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий вазият, диндорлар ичидаги бўлиниш; молқдунёга ҳирс қўйиш, бойлик тўплашга қарши норозилик кайфияти. Ҳасан Басрий, Робия Адавия, Жақиқ Балхий, Боязид Бистомий, Зуннун Мисрий, Жунайд, Бағдодий, Муҳосибий, Абдулло. Муборак, Мансур Ҳаллож, Ҳаким Термизий ва бошқа шайхлар фаолияти.
3. XII-XIV асрлар—тасаввуфнинг фалсафийлашган даври. Ибн Арабий, Фарудиддин Аттор, Жалолиддин Румий ижоди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлари давомида эл-юрт эътиборига лойиқ эзгу ишлар қилгандиларки, халқ у кишини шунчалар эъзозлайди.

Тўғри, кенг оммо бугун бу улуғ бобоколониимиз ҳақларидаги бор ҳақиқатларни яхши билмайди, у кишининг умум инсоний маънавий камолатга қўшган ҳиссалари ҳақида тафсилий маълумотларга ҳам эга эмас эди.

Баҳоуддин ҳаётлари, фаолиятлари ва таълимотларини ўрганиш бизда энди-энди бошланаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Аммо шу нарса жуда муҳим ва жиддий эътиборга сазаворки, ўткан даврлардаги ҳукмрон мафкура ҳар қанча қарши куралимасин, қанчалар таъқиқу таъқиблар қилмасин, халқ хотирасида, кишилар қалбининг туб-тубидан бу азиз ватандошимизга бўлган эъзозу эътиқод йўқолмади, билиб-билмай, моҳиятга етиб-етмай бўлса ҳам, бу авлиёуллоҳ руҳи покларига ҳурмат отадан-ўғлига, онадан қизга ўтиб, бизнинг шу-маънан ёруғ кунларимизгача етиб келди.

Халқ сифатида яна шу нарсага ҳам етиб келдикки, энди Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёуллоҳларимизга кўр-кўрона садоқатимиз эмас, атрофлича билимимиз, ул зоти шарифларининг ҳаётларию, аъмолларидан тўла ва атрофлича боҳабарлик мусулмон маданиятига дахлдорлиги бор ва уни ҳўрмат қиладиган ҳар бир кишининг бурчи даражасига кўтарилди.

Бу дунёга инсон ўзини англаш учун келади. Ўзини англаш эса-бир ўмрлик узун жараён. Мавжуд олам сирру синоатларини билишга интилганингиз сари билмаганингизни тушуна борасиз.

Кўп буюк-буюк олимларга нисбат бериладига: «Шуни билдимки, ҳеч нарсани билмас эканман»,-деган гап-ўта ҳаётӣй бир ҳикмат. Е.Э.Бертельснинг: «Навоӣйни билиш учун унинг кутубхонасидан тўла боҳабар бўлиш керак»,-тарзида айтган бир яхши хулосаси бор.

Навоӣйни ўрганишга тўтганимиз заҳоти бу улуғ шоир таянган манбаларни кам кўрганимиз аён бўлаверадию Бобоколониимиз сўз санъати бобида қайси дарёлардан сув ичгани ҳақида озми-кўпми ёзилган.

Аммо назарӣй-фалсафӣй жиҳатдан, яъни дунёкарашу мафкура маъносида Навоӣй таянган манбаларнинг биринчиси-Қуръони карим, иккинчиси-ҳадиси шариф, учинчиси-шу иккинчисидан келиб чиққан тасаввуф фалсафаси. Тасаввуфда шоир доҳил бўлган тариқат эса-нақшбандия.

Аталишидан ҳақи маълумки, бу тариқат бевосита Баҳоуддин Нақшбанд номлари боғлиқ.

Хўш Баҳоуддин Нақшбанд ким?

Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳауддин ан Нақшбанд ал-Бухорий ҳозратлари башарият аклий-ҳиссий, илмий-маърифий тараққиётига қандай ҳисса қўшдилар?

Нега одамлар ул зоти шарифни бунчалар ихлосу эътиқод билан тилга олади?

Қандай қилиб Баҳауддин «Балогардон» деган рутбага мушарраф бўлганлар?

Ахир Оллоҳнинг ўзи эмасми барча болаларни қайтарувчи? Не учун бу улуг зот қабрларини нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки Афғонистон, Эрон, Туркиядан, Ҳиндистон, Покистон каби улкалару араб давлатларидан келиб зиёрат қиладилар?

Нима сабабдан, кўпчилик Худо йўлига бағишлагани жонзотларни келтириб Баҳауддин қабрлари қошида қурбонлик қилади-халққа таркатади ё пишириб беради?

Нақшбандия қандай тариқат ўзи?

Унинг Яссавиядан нима фарқи бор?

Нақшбандия таълимоти адабиётимизга қанчалар таъсир ўтказди?

Алишер Навоийнинг Баҳауддин Нақшбанд ва у киши такомиллаштирган тариқат оқидаларига муносабати қандай?

Шу ва шунга ўхшаш, саволларга жавоб тормай туриб Баҳауддин Нақшбанднинг миллий-марифий тарихимизда тўтган ўрнинг тайин этиш, ҳатто Алишер Навоий асарлари моҳиятига ҳам этиш мушкул.

XV асргача бўлган бой меросимизга шамс ул-миллатимиз-Алишер Навоийнинг пок назари билан қарашга ўрганиб қолганимиз. Чунки бу буюк қалам соҳибининг ижоди биз учун энг мўътабар миллий қомус янглиғ қадрли.

Навойдан бир аср илгари-1318-1389 йилларда яшаб ўтган Баҳауддин Нақшбанд ҳаётлари ва фаолиятлари, шунингдек, нақшбандия тариқати хусусиятларини ўрганиш Навоий асарлари моҳиятини тушинишни ният қилган ҳар бир китобхон учун табиий бир эҳтиёжга айланиши аниқ.

Афсуски, шу пайтларгача Алишер Навоий ижодиётини нақшбандия тариқати ғоялари билан узвий алоқадорликда кўздан кечиришга бағишланган махсус тадқиқотлар яратилган эмас.

Шунинг учун ҳозирги шароитда ҳар бир Навоийхон бу масалада ўзича изланишга албатда мажбур. Юртимизнинг бутун дунёга машҳур фарзандларидан бири. Баҳауддин (Нақшбанд) Балогардоннинг муборак номларидаги касбу корлари билан алоқадор таҳаллуслари «Нақшбанд»ми дейилади ё Нақшбандий»ми?

Ўзбекистон Президентининг 1992 йили чиқарган 1993 йилнинг сентябрида Баҳауддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармони туртки бўлиб, мамлакатимиз илм-фанида Нақшбандшунослик жадал бошланди. Қисқа

фурсат ичида янги ўзбек Нақшбандшунослиги пайдо бўлди. Матбуотда кетма-кет Ориф Устон, Абдукодир Ҳайтметов, Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Абдулқодир Зоҳид, Муҳаммаджон Имомназаров ва бошқа талай олимларимизнинг мақолалари чиқиб турди.

Таваллуд тўйигача ва ундан кейин кўп рисоалар чоп этилди.

Доно Насафийнинг «Ҳозрати Баҳоуддин Нақшбандий», Азиз Қоюмовнинг «Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд», Садриддин Салим Бухорийнинг «Дилда ёр», Баҳоуддин «Нақшбанд ёки етти пир», «Ориф Усмоннинг «Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида», Ҳамиджон Исломиёвнинг «Ипор ҳид ила туғилган ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Меъморий ҳазира», Иззат Султоннинг «Баҳоуддин Нақшбанд адабиёти ва мазкур сатрлар муаллифнинг «Хожа Баҳоуддин ҳақиқати» тадқиқотлари ўқувчилар кўлига тегди. Идрис Шаҳнинг «Нақшбандия тариқати» рисоласи ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилди. Абулхусайн бинни Муҳаммад Али Боқирнинг «Мақомати ҳазрати Хожа Нақшбанд» рисолисини Махмуд Ҳасаний «Баҳоуддин Балогардон» деган ном билан таржима қилиб, китобхонларга тақдим этди.

Диний алломамиз-Шамсуддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов билан Абдулазиз Мансур «Нақшбандийя тариқатига оид қўлёмалар фикристи»ни тузиб, нашр қилдилар.

Нашр-журналист Зуфаржон Жураев тасаввуф, жумладан, нақшбандия ҳақида талай тадқиқотларни жамлаган. ғолиблар хайлидан ёнган чироқлар» тўпламини тайёрлайди. Бухоро Давлат университети ҳузуридаги «Маърифат» нашриёти «Ҳаҳон мулкининг нигоҳбони» номида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўллари, нақшбандия тариқатига оид тезис ва мақолалар тўпламини чиқарди.

Баҳоуддин Нақшбандни улуғларимиздан, дедик. Улуғлар эса ҳар турли бўлади. Айтайлик, Искандар Зулқарнайн ёки Амир Темур-жаҳонгирлик, саркардалик бобида тенги йўқ улуғ. Кимдир, боринки, бирор спорт тури бўйича жаҳон чемпиони ва ҳақозо ва ҳақозо. Аммо инсоният ақлан, яъни фикран ва руоган юксак мартабаларга етган мутафаккирларни ҳамиша улуғларнинг улуғи, комилларнинг-комилли санаб келади. Мутафаккирлар ҳам ҳар турли бўлади. Уларни, шартли равишда, уч гуруҳга бўлиш ҳам мумкин.

1. Олимлар
2. Шоир адиблар
3. Авлиёлар ва шайхлар

Шунча тазйику таъқибларга қарамай, қизиқ бир акс ҳолат юз берди: гарчи халқ авлиёларимиз етарли илмий маълумотларга эга бўлмаса ҳам, қабрини зиёрат этишни, улар руҳидан бирор мушкулини осон қилишда мададкор бўлишни, сурошини тўхтатмади. Хуллас, чорак кам бир асрлик Зўлму Зўрованлик халқ хотирасидан авлиёларга бўлган ҳурматни сидириб ташлай олмади. Ҳатто, ўша авлиёлар яшаган ёки дафн этилган жойлар ва шу улуғларнинг номлари билан ҳам аталди.

Масалан: Бухорада кўпчилик кеча-кечагача ғиждувонни «Хўжайи жаҳон» деб Абдуҳолик ғиждувонийнинг рутбалари билан, Шофирконни «Хўжайи Ориф», Қасри орифонни «Хожа Баҳоуддин» деб атар эди, ҳозир ҳам айримлар бу жойларни ана шу шайхлар номи билан тилга олади. Шунинг ўзи ҳам бир масалага аниқлик киритиб ўтишни тақозо этади.

Умидли ёш тилшунос Дилшодбек Ҳақимов «... ким бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир инсоннинг исм-шарифини жойларга ном сифатида қўллаб бўлмайди-деб ҳисоблайди. Бу талабга асос сифатида тарихимиздан далил келтиради,... бу фоний дунёдан ўтганларига бир неча аср бўлганига қарамай, Беруни, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Камолиддин Беҳзод, Мунис, Огаҳий каби кўплаб аجدодларимизнинг азиз номлари жойларга қўйилмаган бўлсада, авлодлар уларни унутмадилар-ку! Авлиёпарга муносабат кўрсатадики, қадимда халқимиз шоиру олимлари номи билан жойларни атамаган бўлса ҳам, шайхлар ётган маконни улар оти билан юритган. Бу ота-бобомизнинг авлиёларни буюкларнинг буюғи, комилларнинг комили ҳисобланганини исботлайди. Авлиёлар-инсонлар орасида руҳини ҳадди аълосида камолга етқарган кишилар, қалби пок, феъл-атворидаги барча ёмонликларни батамом фариг айлаган, шу тариқа ҳотто, кароматлар кўрсатиш даражасига етган юксак инсоний тақомга эришган шахслар. Авлиёлар-ислом оламида пайдо бўлиб, инсон маънавиятининг энг мўътабар фалсафий таълимотига айланган тасаввуфни қаттиқ тўтган, шу йўлда одамларни ўзларига эргаштирган пиру муршидлар.

Баҳоуддин Нақшбанд-шундайларнинг энг буюкларидан биридир.

Гарчи тасаввуф таълимоти бевосита Исломнинг мағзида шаклланиб, ривож топган бўлсада, уни расмий дин билан айнан бир нарса тарзида тушунмаслик керак. Дин Қуръони каримнинг Зоҳирӣ, яъни кўпчиликка тушунарли маънолари доирасида амал қилади.

Тасаввуф Қуръони каримнинг ботинӣ, яъни фақат хос-алоҳида кишиларгагина тушиниш насиб этадиган ички нозик маънолари билан иш кўради. Ақл-идрок, мантиқий тафаккур билан Зоҳирӣ илмни ўрганиш мумкин. Бироқ ботинӣ илм учун мантиқий тафаккурнинг ўзигина етарли эмас.

Шунинг учун Зоҳирий илм эгаси,-олим, ботиний илм эгаси-ориф дейилган. Ботиний илм «ирфон» ҳам дейилади. «Олим ким-у, ориф ким? Илм нима-ю, ирфон нима?» Адабиётшунос Муҳаммаджон Имомназар масалани ана шу тарзда қўйиб, бу саволларга, жумладан, шундай жавоб беради.

«Тасаввуф ҳақидаги суҳбат ана шу ердан бошланади. Биз билим манбаи ақл деб ҳисоблаймиз, сўфий билим манбаи ишқ деб ҳисоблайди. Чунки ишқ интилиш туғдиради, ақл фақат назарий мушоҳадага таянса, мантиқий билимлар мажмундан келиб чиқса, ишқ инсоннинг бутун табиатини, шуурини ишга солади, унда кўзнинг ва кулоқнинг тажрибасигина эмас, инсоннинг бутун руҳияти ва моддияти тажрибаси бир нуктага жамланади.

Биз билгангина эмас, ҳали билмаган, аниқ тасаввур этмаган омиллар ҳам ишга тушади». Хуллас, муаллиф тўғри таъкидлаганидек, илми ботин, яъни тасаввуф «илоҳий илҳомга таянади».

Аммо тасаввуф йўлини тутиш учун аввал Комил мусулмон бўлиш, шариатнинг барча шартларини бекату кўст бажариш зарур. Она шуни айтиш керакки, аввало, диннинг ўзи одам даҳрийлик тарғиботи бизнинг тор тасаввуримизда бадном қилиб шакллантирган дин тушинчасидан тамоман фарқ қиладиган гўзал бир маъво.

Тасаввуфнинг бошқа айрим соф фалсафий таълимотлардан бир фарқи шу эдики, у кишиларни бевосита ўз ғояларига амал қилишга ундар эди. Бошқача айтганда, тасаввуф бир гуруҳ одамлар учун фалсафий таълимотгина эмас, бевосита кун кечириш тарзи, демакки, кундалик машғулоти эди. Турли даврдаги хилма-хил кўринишлари, тариқатлари, тизимларидан қатъи назар, тасаввуф, умуман олганда, инсонни руҳан камолга етказиш назарияси эди.

Бу назарияга кўра, инсонни Худо ўзига ўхшатиб яратганми, Оллоҳнинг бу оламни пайдо қилишдан кўзлаган бош мақсади ҳам, аслида, инсон эканми, демак, инсон Тангрининг бу мурувватига шукроналар айтиб, ўзини батамом Оллоҳга бағишлаши, бунинг учун эса ўзини унга лойиқ даражада поклаши-камолга етказиши керак. Ана шундай ўзини олий мақсадга чоғлаган, жисмини унитиб, руҳини Оллоҳга етар даражада поклаган, жисм эҳтиёжлари туфайли пайдо бўладиган жомики инсоний иллатлардан фариғ қилган кишилар инсони комил бўлганлар. Тасаввуфий оқидага кўра, комил инсонлар пировардида, шубҳасиз, Оллоҳ васлига мушарраф бўладилар, руҳан Тангри билан бирлашиб кетадилар, ваҳдат, яъни бирликка эришадилар. Аждодларимиз ичидан бундай комил инсонлар кўп ўтган «Хўш уларнинг бошқаларга, айтайлик, сиз билан бизга нима дахли бор?». Чиндан-да, ана шу саволга жавоб топмас эканмиз, авлиёлар, жумладан, Баҳауддин Нақшбанднинг бугун учун аҳамиятини

англаб етмаймиз. Гап шундаки, Одам Ато насли ичидан шундай комил инсонларнинг етишиб чикқанлиги-наинки бир халқ ёки миллион-миллион, баринки миллиард-миллиард одамлар, балки бутун башариятнинг буюк бахти, мислсиз бойлиги. Тасаввуф оқидасига кўра: «Жумла-ю мавжудод одамзодга шунинг учун мажда қиладики, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумла-ю одамзод комил инсон туфайли шарафлидир. Мавжудод ичра комил инсондан кўра улугроқ ва донороқ нарса йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудодларнинг хулосаси ва қаймоғидир ва фаришталар, руҳоний мавжудодлар ва ариш курси, самовату кавокиб-ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф қилурлар ва комил инсон илм мазҳаридир (кўринишидир), комил инсон илоҳий зот (яъни Худо) сифатларнинг ҳам мазҳаридир. Авлиёлар атрофида фаришталар, барча руҳаний мавжудотлар, аршу курси, самовоту кавокиб айланиб юрса-ю, унинг хизматида бўлса, кишилар дардларини ана шу авлиёлар руҳига айтсалар, зора, бу руҳ фаришталарга буюрса-ю, ўша жардманднинг илтижосини Оллоҳга етказишса ва шу тариқа ўша руҳга торинган одамнинг мушқули кушод бўлиб, у дардига шифо топса. Мана Баҳауддин Нақшбанд қабрларининг ҳамиша одамлар билан бунчалар гавжум бўлишига бир сабаб. Авлиёларнинг кишига ғайри табиий таъсир ўтказа олиш қобилияти, Худодод бир қудратга эга бўлиши мумкинлиги ҳақида биргина Навоий асарларининг ўзида ҳам талай воқеъоту ҳодисот, ҳикояту ривоят бор. Вафот этган комил инсонлар руҳининг таъсири ҳақида ҳам манбаъларда кўп сўзланади.

Ориона тасаввуфнинг шаклланиши. Тасаввуфнинг таркибий қисмлари; Тарикат, шариат, маърифат ва ҳақиқат тушунчалари.

Режа:

1. Мақомат ва Ҳол мартабаси. Даражалар. Авлиёлар ва комил инсон масаласи.
2. Тасаввуфда муҳаббат концепцияси, фано ва бақо тушунчалари.
3. Сўфийлар ахлоқи; ўз-ўзини риёзат билан поклаш, ҳамиша ахлоқ соҳиби бўлишга интилиш, нафси амморани енгиш ва Илоҳ идеали сари руҳтириб бориш ҳаракати.
4. Тарикатларнинг вужудга келиши, хонақолар. Хонақолардаги пир ва мурид одоби.
5. Мурид тарбиялаш усуллари; чилла, суҳбат, хирқа кийгизиш маросими, зикр. Марказий Осиё тарикатлари; Қодирия, Кубровия, Яссавия ва Нақшбандия. Фарқлар, нуфузи, ёйилиш географияси, асосий талаблари. Тарикатларнинг синтезлашув жараёни.
6. Тасаввуф ва маънавият тасаввуф ва дарвешчилик ҳаракати, тасаввуф ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт (Хўжа Аҳрори Вали фаолияти, Жомий, Навоий).
7. Футувват – эзгулик биродарлари. Тасаввуф ғояларининг ижобий, гуманистик асослари. Тасаввуфдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, риё ва очкўзликни танқид қилиш.

1. Ҳасби ҳол. Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маони” таркибига киритган ғазалларида бошқа мавзулар қаторида ўз шахсий ҳаётидаги айрим воқеаларнинг

бадий тасвири ҳам кўзга ташланади. Бу ўринда биз унинг сариғ касали, кўз оғриги билан хасталанганлиги, тишларининг тўкилгани, кўзиларининг хиралашганига оид ишоралар мавжуд бўлган ғазалларни назарда тутмоқдамиз. Жумладан, “Тишларимдин икки дандонаки чарх айлади кам” (МАТ, 4-том, 305-бет) мисраси билан бошланадиган ҳамда:

Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд,

Гарчи бордур дардлиғ кўзга ёруғлиқтин газанд, -

(МАТ, 3-том, 115-116 - бетлар) байти билан бошланадиган ғазаллар айтилганларга мисол бўла олади.

Алишер Навоийнинг “Тишларимдин” деб бошланадиган ғазали кексалик даврининг маҳсули бўлиб, унда иккита тишининг тўкилганидан сўз йуритилган. ғазалда шоирнинг оддий инсон сифатидаги кечинмалари ўз ифодасини торган: тишларининг тўкилишини, яъни тиш ўрнининг бўшаб қолиши бу – ажалнинг киришийу жоннинг чиқишга йўлдир, тарзида изоҳлайди. Бунинг устига:

Йўқки тиш сини ситам бўлдийу бас, кўзда доғи

қолмади нури ани доғи дегил айни адам, -

деб шикоят қилади.

Иккинчи ғазалда еса кўз оғриғидан чеккан изтироблари ўз ифодасини торган. Шуниси муҳимки, шоир кўзининг оғриганини тасвирлар экан, унинг қизаргани, дору қўйганда куйдиргани, кўзларини боғлаб қўйганини (“боғламишдур чашмбанд”) ҳаётий ва ишонарли тарзда қаламга олган. Бундай тасвирлардан Алишер Навоийнинг ўша жараёндаги кайфияти, рухий кечинмаларини англаш қийин емас.

2. Табиат манзаралари. Алишер Навоий ғазалларида табиат манзаралари, гуллар, кушлар, дарахтларнинг турли хиллари (лола, савсан, гул, булбул, тўти, сарв...) тасвири ҳар хил мақсадларни ифодалашга хизмат қилдирилган. Жумладан, куйидаги мисраларда чаманзорнинг тасвири ниҳоятда кучли ҳаяжон, шодлик ва хуррамлик кайфияти билан тасвирланган:

Ваҳки, чамандин яна ести шамол ўзгача,

Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Булбулу кумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ

Кўргузадур сарву гул ғанжу далол ўзгача.

Савсан ўлуб сарбаланд, ғунча бўлиб нўшханд

Елга алардин йетиб дафъи малол ўзгача.

Сунбули руртоб ҳам, лолайи сероб ҳам,

Дуд ила ўтдин бўлуб шибҳу мисол ўзгача.

(МАТ, 6-том, 372-бет)

Бу тасвир баҳор фасли, унда табиатнинг уйғониши, кўкатларнинг кўкариши, турли кушларнинг хониши туфайли шоирда уйғонган шодлик ва бу гўзалликдан ҳаяжонга тушишидан бир лавҳадир, холос. ғазалда ифодаланган шодлик ва ўйноқи рух шунга мувофиқ баҳрда-арузнинг мунсарехи мусаммани макшуфида (муфтаилун фоилун, муфтаилун фоилун) ўз ифодасини торган. ғазал ана шу баҳр оҳангига мувофиқ тарзда ўқилса, унинг ўйноқилиги, завқ бағишлагувчилиги янада яққолроқ намоён бўлиб, ешитувчи завқланганидан бирданига рақсга тушиб кетганини ҳам билмай қолади. Бунда шоирнинг мазмун ва шаклнинг ўзаро боғлилига қанчалик еътибор қилгани ҳам билинади. Мисраларда бадий тасвир унсурларидан (ўхшатиш, сифатлаш, таносиб...) фойдаланишда ҳам шоир катта маҳорат кўрсатган. Алишер Навоий ғазалда табиатнинг мафтункорлигини тасвирлаш билан инсонларни ҳаёт ва табиат гўзаллагидан баҳраманд бўлиб, ҳаётдўст бўлиш, қувноқ яшах ҳамда уларни авайлашга даъват этади.

Яна бир мисолга мурожаат етсак:

Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар Наврўз ила байрам,

Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.
(МАТ, 6-том, 286-287 - бетлар)

Мазкур байтлар билан бошланадиган ғазалда баҳор айёмининг бошланиши - Наврўзнинг тасвири берилган. Аммо бу тасвир аввал келтирганимиз мисолдан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик шундан иборатки, бунда Наврўзда табиатнинг яшил кийим кийиши билан ана шу фасл муносабати билан қайд қилинадиган байрамга маҳбубанинг ҳам яшил кийим кийиб чиққани тасвири қоришади. Натижада Наврўзда табиатнинг жонланиш ҳолати инсонларнинг ҳам кайфиятига таъсир етиши уларнинг ҳам “яшариши”га боис бўлади. Бу фикрни ғазалнинг “Мувофиқ кийдилар” ибораси билан бошланиши ҳам қўллаб-қувватлайди. Демак, бунда табиат ва инсоннинг яхлитлиги масаласига ишора қилинмоқда. Шунинг учун ғазалда табиатдаги сарв (дарахт) ва инсон гўзали – “сарви равон” тасвири йетакчи мавқеъни егаллаб, инсон гўзали-“сарви равон” (йурувчи, ҳаракат қилувчи сарв)нинг афзалликлари алоҳида таъкидланади. ғазал арузнинг ҳазажи мусаммани солим (мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун) баҳрида ёзилган бўлиб, уни ўқишда вазминлик ва тамкин йетакчилик қилади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ғазалларида табиатнинг турли ҳолати ўзига хос услубда тасвирланади. Бу тасвирлар инсонни ўраб олган табиий муҳитнинг гўзаллигини тасаввур еттиришда, ундан завқланиш ва, шунинг билан бирга, уни ардоқлаш, авайлашга даъват қилишга қаратилганлиги нуқтайи назаридан муҳим аҳамиятга ега.

3. Панд-насихат. Алишер Навоий ғазалларининг айрим байтларида турли мавзуларга оид ранд-насихатлар ҳам учрайди. Бундай байтлар ёшлар тарбияси, уларда инсонийлик ва олий жаноблик каби фазилатларни шаклантиришда катта аҳамиятга ега. Шу жиҳатдан улардан айрим намуналарни келтириш мақсадга мувофиқ кўринди:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким: Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.
(МАТ, 5-том, 431-бет)

Ерур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас ел комин равон айла, ўзунгни комрон кўргач.
(МАТ, 3-том, 97-бет)

Тикти ранд игнасинин даҳр ели кўнглум ярасин,
Халқ нешини бу маъни била дилдўз дедим.
(МАТ, 5-том, 309-бет)

Улуғлардин насиб истар есанг, касби камол етким,
Нединким, анбиёга илмлик инсон ерур ворис.
(МАТ, 6-том, 69-бет)

Лутф айла қариларға, десангки узун яшай
Ким, қаримас аён қилибон йузга чин йигит.
(МАТ, 6-том, 61-бет)

Ей Навоий, ишқ сиррин ҳеч маҳрамға дема,
Ким бунинг ҳам маҳрами бўлғай, анинг ҳам маҳрами.
(МАТ, 4-том, 460-бет)

Маърифат нахлидин ул ориф ҳамоно торти бар
Ким тафаккур бирла фаҳми моарафнок айлади.
(МАТ, 5-том, 432-бет)

Жаҳонда фақр касб ет, майл кўр қилма ғино сари,
Ки мундин оз йетибдур орзу фарзона андин кўр
(МАТ. 6-том, 52-бет)

Камол касби қилур бўлсанг, озмундин ўт,

Гар истифода ғараз ўлса, имтиҳондин кеч.

(МАТ, 6-том, 73-бет)

қариға тавбайу тоат керак шиор ўлса,

Ўзин йигит ясаса, айлар ўзига тўхмат.

Йигитлигингда агар тоат айласанг сен, сен

қаридинг ерса, не қилғунгки, қилмағунг тоат

(МАТ, 6-том, 54-бет)

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, Алишер Навоий ғазаллари таркибидаги байтларда инсон маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган турли-туман мавзулардаги ранд-насихатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ғазаллар мавзу доирасининг нақадар кенг эканлигини ҳам яна бир қарра намоёиш этади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий “Хазойин ул-маони”си таркибига киритилган ғазаллар ҳам мавзу, ҳам тимсол (образ)лари билан кўрқиррали бўлиш билан бирга бадиият жиҳатидан ҳам, шоирнинг ўзи қайд қилганидай “рангини равон” дирлар.

Мавзунини мустақамлаш учун саволлар.

1. Алишер Навоийнинг ранд-насихатлари баён етилган қайси байтларни биласиз? (ғазалларидан)
2. ғазалларда табиат манзаралари қандай тасвирланган?
3. Шоир ҳасби ҳолига доир ғазаллар ҳам учрайди-ми?

Мустақил машғулот учун торшириқлар

1. “Хазойин ул-маони”даги табиат тасвирига (баҳор, киш) бағишланган ғазалларни мутолаа қилиб, талқин қилинг.
2. Алишер Навоийнинг ғазалларидаги ранд-насихатлардан бештасини ёдланг.

Адабиёт

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўрлами. 1-6 – томлар.
2. А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993.
3. А.Абдуғафуров. Мисралар жозибаси. “Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари” (мақолалар тўрлами). Тошкент, “Фан”, 1993, 26-51 – бетлар.
4. Н.Жумайев. ғазалда ғоя ва бадиий маҳорат мутаносиблиги. Кўрс мақолалар тўрлами, 51-67 – бетлар.

Тасаввуф ва тасаввуфий адабиётни ўрганиш тарихи

Режа:

1. Тасаввуф жаҳон шарқшунослари томонидан уч асрдан бери ўрганиб келинади.
2. Ўзбекистонда шўро даврида бунга салбий муносабат бўлса ҳам, бироқ И.Мўминов, В.Зоҳидов, А.Ҳайимбетов, Фитрат, С.Айний, А.Саъдий, В.Маҳмуд, А.Рустамов ишларида бу таълимотнинг айрим томонлари ўрганилган.
3. Рус олимларидан Е.У.Бертельс, А.Бертельс, С.Иванов, Р.Гордлевский, А.Акимуский, Т.Степанянс, ғарблик олимлар Николсон, Арберри, Голдитцер, Корбен, Моле, А.М.Шиммел тасаввуфга бағишлаб тадқиқотлар яратган.
4. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда О.Усмонов, И.Ҳаққулов, Н.Комилов, Г.Наврўзова, С.Олимов, С.Салимов ва бошқаларнинг ишлари

Тасаввуфий адабиётнинг шаклланиши.

Режа:

1. Тасаввуф ва бадиий ижод. Ўзаро муштарақ ғоялар, идеаллар; муҳаббат, комил инсон, ахлоқий камолот.
2. Сўфийларнинг адабиётга мурожаати ва адибларнинг тасаввуфга мурожаати.

3. Сўфиёна адабиёт белгилари ва хусусиятлари; илоҳий ишқни куйлаш, ваҳояларини тасвирлаш, дунёни илоҳий назар билан мушоҳада этиш, насиҳат адабиёти. Шариат аҳкомини қўшиб тасвирлаш ва соф тасаввуфнинг ўзини куйлаш.
4. Арабий ва Форсий сўфиёна адабиётнинг таъсири. А.Саноий, Ф.Аттор, Ж.Румий ижоди, Навоий, Машраб, Хазиний, Хувайдо. Нишотий ижоди.
5. Илоҳийлик ва дунёвийлик қўшилиш жараёни. Инсон муаммоси. Инсоннинг фалсафий-бадий талқинлари.
6. Комил инсон концепцияси ва унинг адабиётдаги талқинлари.

Навоийнинг суфийлар дуоси ижобат бўлишига ишонган. Буни бадий асарлардагина эмас, бевосита илмий рисоаларида ҳам ўз таржимаи ҳоли билан боғлаб кўп қайд этган.

Масалан, «Мажолис ун-нафойис» тазкирасида Мавлано Лутфий ҳакида: «Бу фақир (яъни ўзини кўзда тутяпти) борасида кўп фатихалар ўқубтур. Умид улким, чун дарвиш киши эрди, баъзи мустажоб бўлғай»-деди. Демак Лутфийнинг айнан дарвиш, яъни суфий киши экани учун унинг Навоий борасидаги айрим фотиҳа дуолари ижобат бўлган бўлиши мумкин. Шунинг учун ота-боболаримиз авлиёлар дуоларига мушарраф бўлишга умидворлик қилганлар.

Мардони Худо Худо Набошанд,

Лекин зи Худо жудо Набошанд.

Чиндан ҳам, «Мирдони Худо», яъни авлиёлар худо эмаслар, лекин улар Худодан жудо ҳам эмаслар. Оллоҳга яқинлик эса-бани башарга орзу.

Халқда: «Худо-ёр, пирлар-мададгор бўлсин!» деган дуо бор. Шунинг ўзиёқ бизни узоқ йиллар зарарли таълимот сифатида ноҳақ қораланиб келган тасаввуфнинг миллий ҳаётимизга нақадар чуқур кириб борганидан далолат беради.

Одатда пирларнинг руҳидан мадад кутилганини айтдик. Тасаввуф нафақат ҳаёт бўлган шайхларнинг нафасини, ҳатто, кўп илгарилари ўтиб кетган улуғ авлиёларнинг руҳини ҳам тан олади.

Инсон кўнглини, аниқроғи, руҳини камол топтиришнинг ким билади, дейсиз, эҳтимолки, умумбашарият жамияти тарихидаги энг олий даражасига ётган ана шу тасаввуф таълимоти қатъий қондасига кўра, солиқ, яъни сўфий албатта бир пирнинг этагини тутиб, унга мурид тушиши шарт. Алишер Навоий «ғаройиб ус-сиғар» девонининг 51-ғазалида ёзганидек, тасаввуф водийларини пирсиз кезиш мумкин эмас.

Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас калим,

Тийра шомин равшан амр этмай анга хизмат шуайб.

Аммо шундай истисно ҳоллар бўладики, қай бир сўфийни илгари замонлар оламдан ўтиб кетган бирор машхур шайхнинг руҳи келиб тарбиялайди.

Бундайлар увайсий дейилган. Ривоят қилишларича, Муҳаммад алайҳис-салом оламдан ўтар пайтда саҳобалар, яъни атрофларидаги суҳбатларига мушарраф бўлган зотлару азиздан эски тўнлари-хирқаларини кимга бериш лозимлигини сўрайдилар. Пайғамбаримиз, Алишер Навоий сўзлари билан айтилса:

«Дебтурларки: «Увайс Қаранийға берсунлар ва десунларки, менинг уммотимни дуоқилсун». Яманнинг Қаран деган еридан бўлган бу туябақар Уҳуд тоғидаги урушда пайғамбаримизнинг муборак тишлари синганини эшитиб уриб-уриб ўзининг ўттиз икки тишини синдирган эди.

Аммо Муҳаммад алайҳи-с-салом билан Қараний бир-бирларини ҳеч қачон кўртаган эдилар. Шундай бўлса ҳам, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат...»идан қайд этилишича, расулуллоҳ уни: «Маъни ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тойифадин (яъни шайхлардан,)-зоҳир юзидин (яъни бевосита ҳаётда тарбия қилган-С.О) пири маълум бўлмаса ва машойихлардин бирининг руҳи (!), они тарбият қилган бўлса, они «увайсий» дерлар.

Демак «увайсий» деган тасаввуфий атама ана шу Увайс Каранийнинг исмидан олинган. Увайс Каранийнинг ўзи эса мусулмон оламида хусусан, адабиётда жуда машҳур эди.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат»...да таърифлаган биринчи шайх ҳам-шу. Унинг ҳатто ўзбек халқ китобларида ҳам тилга олинганига дуч келамиз. Масалан: «Хурлиқо» достонида фарзандсизлигидан нолиб, тахтни тарк этиб, узлат қилган Хусравшоҳга унинг вазири-Қосим тасалли бериб айтган бир ғазалида ана шу умматларнинг гуноҳларини ёпган (пайғамбаримиз, эслатилганидек, унга «Менинг умматимни дуо қилсун» деб етказишни васият қилган эдилар-да), расулуллоҳ хирқаларини кийган Увайснинг ҳам ўғилсиз ўтгани сўзланади.

Муножот тоғига чиққан умматлар журмини ёпқан,

Пайғамбар хиркасини кийган Увайс ҳам ўтди ўғулсиз.

Сўфий учун ё зоҳирий (яъни ҳаётда), ё-ботиний (яъни руҳ орқали) пир бўлиши шарт. Лекин баъзи сўфийлар бир неча пирнинг тарбиясини олган. Масалан, Хожа Баҳауддин Нақшбанднинг пирлари кўп бўлган. У киши талай шайхлардан таълим олганлар. «Насайим ул-муҳаббат...»да келтиришича: «Аларға қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоққи, дер эришлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар ва тарбият ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ ғиждувоний руҳидин (!) топибдурлар.

Хўш, руҳ ҳам тарбия берадими? Бу нима дегани ўзи ? Шу деганики...

Хожа Баҳоуддин туғилмасларидан бурун Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий буюк бир шахс дунёга келаётганини она қорнидаги боланинг хидидан сезади.

«Насойим ул Муҳаббат...»да ўқиймиз: «Хожа Баҳоуддин ҳазратларига алардин (Самосийдан –С.О) қабул фарзандлиғқа воқеъ бўлубтур ва алардурларки, Қасри ҳиндувондан (яъни Баҳоуддин туғилган қишлоғиданҚ.О.) ўтарда дер эмишларки: «Бу туфроғдин бир эриси келаду, булғайки, Қасри ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай». То бир кунки, Саййид Кулол манзилидинки, аларнинг хулафосидиндур, Қасри орифон сари мутаважжих (бораётган,-с.о) эрдилар, дедиларки: Ул эрисики, бизнинг димоғимизда етар эрди, ортуқрор бўлибтур, ҳамоноки, ул эр мутаваллид бўлубтур (туғилибди –с.о).

Иун нузул қилибтурлар (меҳмонликка борибдилар с.о). Ҳазрати Хожа Баҳоуддин валодатидин туғилганларидин уч кун ўтган экандур, аларнинг жадди (яъни Баҳоуддиннинг боболари, -с.о), бар муомала аларнинг (Самосийнинг-с.о) ихлос кўксига қўйиб, аларни (Баҳоуддинни,-с.о) ихлос ва ниёз билан Хожа Муҳаммад Бобоназариға келтурубтур. Хожа Муҳаммад Бободедларки: «Ул бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ». Ва асҳобсори боқиб, деб турларки: «Бу ул эрдурки, бизга анинг иси келиб эрди, рўзғорнинг муғтадоси (йўлбошчиси,-с.о) бўлғай». Ва Амир Саййид Кулолға буюрдиларки: «Фарзандим Баҳоуддин ҳақида тарбияту шафқатни дариг тутмагайсенн ва сенга боҳил қилмағай мен (кечирмаймен, с.о) агар тақсир (хато, қусур, с.о) қилсанг». Амир дедиким: «Эр бўлмағаймен, агар Хожа васиятиға тақсир қилсам».

Хўш икки аср олдин яшаган, милодий 1179 йили вафот этиб кетган Абдулҳалиқ ғиждувонийнинг руҳлари қандай қўл билан (қилиб) Хожа Баҳоуддинга тарбия берган? «Насойим ул-муҳаббат...»да айтилишича, ёшлик чоғларида кўрган тушларида Баҳоуддин бир кечаси чиқиб, Бухоронинг мазорига борадилар. Ҳар мазорда ёғи тўла, пилтаси ёғи ичига солиб қўйилган чироқ кўрадилар.

Фақат яхшироқ ёниб, тузукроқ ёритиши учун ўша пилталарни ҳаракатга келтириш керак экан. Учинчи муқаддас мазорда қиблага қараб ўтирган пайтларида тарафда девор ёрилиб, ажиб бир манзара намоён бўлибди. Воқеанинг бу ёғини «Насойим ул-муҳаббат»...даги Баҳоуддиннинг ўз сўзлари билан айтай: «Қибла девори шақ бўлди (ажралди, очилди-с.о.) ва бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт олдиға тортилган ва теграсида жамоате ва Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайл (тўп, жамоа-с.о) ғайиблардандурлар (вафот этган кишилардандирлар-с.о).

Ораларидин биров менга айттики: «Тахти Абдулхолиқдур ва ул жамоат аларнинг хулофосидиндурлар». Ва бирин-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад Бобоға етганда дедик: «Аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва сенга бир бўрк бурубдурлар ва каромат қилибдурларки нозил бўлган бало сенинг баракатингда дафъ бўлғай: Андин сўнгра ул жамоат айттиларки: «Қулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Хожа ҳазратлари санга сўзлар айтғусидурларки, ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўли сулукида санга андин чора йўқтур».

Ул жамоатдин илтимос қилдимки: «Ҳазрати Хожаға салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай».

Пардани иллайидин олдилар.

Пире кўрдум нуроний. Салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзларки, сулук мабаъида (бошида с.о.) ва охирида керакликтур, менга баён қилдилар ва дедиларки: «Ул чироғларки, ул кайфият биласанга кўргиздилар, ишорат ва башоратдур санга бўйўл қобилият ва истъедодидин. Аммо истъедод фатиласин (яъни мазорларда кўринган чироқлардаги каби пилтасини с.о) ҳаракаига келтурмак керак, то ёруғай ва асрор (сирлар.-с.о) Зухур қилғай (кўрсатади-с.о). Ва яна буюрдилар ва муболага қилдиларки: «Барча аҳволга қадамни амру наҳи жоджасиға (буюрилган ва манъ этилган ишлар йўлига с.о) қўйғил ва азимат била амал қил ва суннатни бажо келтургил ва рухсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва Мустафо... аҳодисини (Муҳаммад пайғамбар ходисларини с.о) ўзунгга пешво қил.

Алишер Навоий ҳам мансуб нақшбандия тариқатидаги увайсийликнинг бир узвий йўли ана шундай кечган. Чунки увайсийлик бевосита тасаввуфдаги окимлар-тариқатларга алоқадорликни ҳам билдиради. Ўз-ўзидан, соликка кимнинг руҳи тарбия берган бўлса, у ана шу ботиний пирнинг йўналишини давом эттиради.

Тасаввуф тарихида марҳум пирнинг руҳидан тарбият топганлар кўп ўтган. Энди увайсийликнинг иккинчи бир йўналиши ҳақида фикр юритсак.

Ёшлигида кексайиб қолган шайх-Фаридиддин Аттор билан учрашиш бахтига муяссар бўлган ва улуғ авлиё совға қилган «Асрарнома» деган китобни бир умр кўлидан қўймаган яна бир буюк авлиё шоир-Жалолиддин Румий ўша машҳур «Ан ал-ҳақ!» (Мен Худоман!...) дегани учун ноҳақ дорга тортилган Шайх Мансур Ҳалложнинг нури юз эллик йилдан кейин Фариддин Атторда жило торди, деган: «Ва Мавлоно Жалолиддин Румий сўзларида мазкурдурки, Шайх Ҳаллот нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фариддин Аттор руҳига тажоллий қилди ва анинг мураббийси бўлиб тур». Демак Фариддин Аттор ҳам увайсий эдилар. Фариддин Атторнинг зоҳир юзидан пирлари-1219 милодий йили вафот этган Мавжуддин Бағдодий эди.

Маждтддин Бағдодий эса Хоразмлик машхур суфий ва шоир, милодий 1145(46-1221)22 йиллар орасида яшаган Шайх Нажмиддин Кубронинг муриди эди.

Фариддин Аттор, биласизки, Навоий болалигида ёд олгани-«Мантиқ ут тайр» достонинг муаллифи.

Навоий умрининг охирларида ана шу «Мантиқ ут-тайр» жаврбида «Лисон ут-тайр» достонини битди. Шубҳа йўкки Фариддин Аттор ўзининг фалсафий-тасаввуфий достонида буюк юртдошимиз Нажмиддин Кубро асослаган кубравия тариқати ғояларини тарғиб этди. Бунинг Навоий "«исон ут-тайёр»ига ҳам кўчганлиги тайин.

Демак Навоийнинг Навоий бўлиб етишувида Нажмиддин Кубронинг бевосита ҳам, билвосита ҳам хиссаси бор. «Лисон ут-тайр»да кубравия билан нақшбандия ўзаро уйғунлашган. Кубравия билан нақшбандия бошқа бир жихатдан ўзаро туташганини кўрамиз. Навоийнинг пири-Жомий, Жомийнинг пири Нақшбанд, Нақшбанднинг пири-ғиждувоний эканидан келиб чиқиб, шуни такидлаш лозимки, ана шу Абдухолик ғиждувоний билан Фариддин Аттор тасаввуф йўлида Мансур Ҳаллож туфайли ҳам боғланади.

«Қандай» дейсизми?

«Насойим ул-муҳаббат...»да Хожа Али Ромитаний деган машхур шайхнинг бир эътирофи келтирилади: « алардин манкулдурки, дебдурларки: Агар юзида Хожа Абдулхолик (яъни ғиждувоний-с.о.) фарзандларидин (яъни шагирдларидан-с.о.) бири бўлса эрди Мансур (яъни Ҳаллож-с.о.) доростига бормағай эрди». Маълумки, Мансур халлож «Ан ал-Ҳақ!» (Мен Худоман!)-деган ақидани илгари сургани учун дорга осилган эди.

Хожа Али Ромитанийнинг таърифидан шу нарса англашиладики, Абдулхалик ғиждувонийнинг тасаввуфдаги қарашлари мантиқан «Ан ал Ҳақ!» ақидасини юмшоқлик билан шарҳлаб исбртлашга хизмат қилади. Шунинг учун, қаранг, ғиждувонийнинг ўзлари тугул, хатто, шогирдларидан бири бўлганда ҳам, Мансур Ҳаллож қатл этилмай қолиши мумкин эди, деб ҳисобланяпти.

Демак адабий жихатларни бир тарафга суриб қўйиб, соф тасаввуфий тариқатлар нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам, Навоийнинг «Мантиқ ут-тайр»га жавоб айтиши тасодифий эмас ва шоиримиз иарафдорлик қилган нақшбандия тариқати билан Фариддин Аттор Мансуб Кубравия ақидалари ўртасида кескин қарама-қаршиликлар эмас муайян яқинликлар бор. Мансур Ҳаллож ақидаси эса бу икки машхур тариқат-кубравия билан нақшбандия ўртасидаги ўзига хос бир халқа янглиғ ўрин тутати. Шубҳасиз Фариддин Аттор, таъбир жойиз бўлса, тасаввуф адабиётининг

«ота»ларидан бири эди. Яна Жалолиддин Румий ҳазратлари Аттор ва Санойининг суфиёна шеъриятидаги мавқеини кўзда тутиб, буюрдилар:

Аттор руҳ буд-у, Санойи-ду чашми ў,
Мо аз паи Санойи Аттор омадем.

Маъноси: «Аттор руҳ эди, Санойи-унинг икки кўзи, биз Санойию Аттор кетидан эргашиб келдик». Ҳаким Санойи ғаънавий ҳам буюк тасаввуф шоирларидан. Милодий 1181 йили вафот этган.

Хожа Баҳруддин Нақшбанднинг қабулий пирлари Муҳаммад Бобойи Самосий, зоҳирӣ пирлари Амир Саййид Кулол ва батинӣ пирлари Хожа Абдулҳолиқ ғиждувонӣ эканини билиб олдик. Бироқ Баҳоуддин Балогардон бевосита Яссавия шайхларига ҳам муриқ тўшганлар. Ҳатто, инглиз тасаввуфшунос олими Ж.С.Иримингэм Аҳмад Яссавий шажарасини санаганда Баҳоуддин Нақшбанд номларини силсилада Халил Отанинг туриди сифатида кўрсатади. Чиндан ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд Яссавий шайхларидан Халил Ота хизматида бўлганлар. «Насойим ул-муҳаббат»нинг далолат беришича, Баҳоуддин ҳазрат бир кеча тўшларида Ҳаким Ота, яъни милодий 1186 йили вафот этган суфий ва шоир Сулойман Боқирғонийни кўрадилар. Ул зот Баҳоуддинни бир дарвеш ихтиёрига топширадилар. Баҳоуддин бу тўшларини она бибиларига айтсалар, у киши: «Эй фарзанд, сенга турк машойихидин насибе бўлғусидир», дейдилар. Баҳоуддиннинг кўнгиллари ўша тушларида кўрган дарвешни кўп тусайди. Бир куни Бухоро бозорида ўша тушларида кўрганлари дарвешни учратиб, танийдилар ва танишадилар. Оти Халил экан. Ўша куни бозорда у билан яхшироқ гаплаша олмайдилар. Оқшом уйларида одам келиб, Халил чақиртираётганини айтади. Куз маҳали экан. Баҳоуддин бир оз мева олиб, ўша дарвешнинг хузурига борадилар. Унга тушда кўрганларини айтмоқчи бўлиб турганларида Халил: «Улча оснинг хотирингдадур, бизга аёндур. Баён қилмоқ хожат эмас» дейди. Чунки кўп шайхларга бировнинг кўнглидаги гапни айтмасидан ҳам уқиб олиш қобилияти берилган бўлади. Шу тариқа Баҳоуддин олти йил Халил Отанинг хизматини қилиб, унинг тасаввуф йўлидаги суҳбатларидин баҳра топадилар. Кейинроқ Халил Ота Мавароуннаҳр мамлакатига подшоҳлик ҳам қилади. Баҳоуддин у кишининг подшаҳлик даврида ҳам яна олти йўл хизматида бўлиб, шайх тарбиятини оладилар.

Пир ва Мурид холи қолганларида тасаввуфдан суҳбат қураб, кўпчилик ичида эса улар шоҳ ва мулозим каби муомалада бўлаверар эдилар. Бу ҳақда Баҳоуддиннинг ўзлари: «Халода хос суҳбатнинг маҳрами эрдим ва малода (кўпчилик орасида-с.о) салтанат одобин риоят қилур эрдим»-дейдилар.

Баҳауддин Нақшбанд ёш пайтлари яна бир Яссавий пирр-Қусам Шайхдан ҳам таълим олмаганлар. Баҳауддин Нақшбанд тасаввуфда шу қадар баланд поғонада турадиларки, қаранг, бугун Бобойи Самосийни ҳам, Амир Саййид Кулолни ҳам, Халил Отани ҳам, Қусам шайхни ҳам аввал ана шу муридларининг шуҳрати туфайли қайта таний бошладик.

Лекин ана шу пирлар таълимию тарбиясисиз Баҳауддин Балоғардон шу улуг мақомга оларми эдилар?! Йўк!.

Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳауддин тарбиясини Амир Саййид Кулолга васият қилгандан хабарларингиз бор. Суҳбат нисбати, тариқат сулуқи одоби, таълими ва зикр талқинини Баҳауддин ана шу Амир Саййид Кулолдан олганлар.

Демак Амир Саййид Кулол ўзларидаги бор билимларини шогирдларига бериб бўлган, аммо шогирднинг истеъдоди жуда баланд ва бундан юқорироқ даражаларда таълим олиш иштиёқи кучли эди.

Ҳа, устоз фақат истеъдодининг кучлилиги учун эмас, талабанинг чироғи пилиги баланлаб ёнишига кўмак берадиган тажрибаси ҳам борлиги учун мураббийлик қилади шогирдга. Баҳауддин пирларининг ана шу гапларига амал қилиб, илм истабон Яссавия тариқати шайхларининг машҳурларидан бўлмиш Қусам Шайх олдиларига – Нахшаб яъни ҳозирги Қаршича борадилар.

Навоийнинг Абдурахмон Жомий тазқираси-«Нафаҳот ул-унс»...дан таржима қилиб келтиргани маълумотга кўра, Баҳауддиннинг Қусам Шайх билан учрашувлари жуда қизиқ кечган: Ул (Қусам Шайх) аввали мулоқотда қову ейдур эрди. Пўчоғини Хожа (Баҳауддин) сари ташлади. Алар (Баҳауддин) ғояти талаб ҳароратидин пўчоғини териси била едилар. Энди бир тасаввуф этиб кўринг... Дарвешлар давраси. Тўрт пир, яъни Қусам Шайх ўтирибди. Қовун ейиляпти. Шайх олдига бир нотаниш шогирд салом бериб, таъзим бажо айлаб кириб келган боланинг қадрини ерга ургандек, унга ҳозиргина еб бўлгани қову тилимининг пўчоғини унинг олдига отди. Йигит ҳеч иккиланмай пўчоқни олиб чайнай бошлади. Чайнай-чайнай батамом еб қўйди. Шайх ҳеч нарсани сезмагандек, яна бир тилим қовунни паққос тушириб, пучоғини яна меҳмон йигитнинг олдига ирғитди. Яна ўша нап: Йигит пўчоқнинг бунисини ҳам еб қўйди. Шайх ташлаган учинчи пўчоқ ҳам бемалол хазм қилинди.

Хўш нима гап ўзи? Наҳиётки, кимсан –Хожа Ахмад Яссавий хонадонидан бўлган замонасининг машҳур шайхи одатда нисбатан шунчалар бепмсанд муносабат қилса. Тасаввуфда мурид тушган шогирд пирнинг қули янлиғ ихтиёрини унга торширади. Нима учун? Ўзидаги ўзликни-ғурурни дейсизми, худпарастлик, ўзим бўлайчилик, худбинлик, худдонамликни дейсизми, ишқилиб, жист ва нафс йўлидаги

салбий жихатларни енгизи учун унга пир устозлик қилиши лозим. Бунинг учун шогирддаги ғурур тинимсиз ўлтирила бориши керак. Бу эса Яссавия тариқати одабида ниҳоятда қатъий қилиб белгиланган. Бу ҳақда тасаввуфшунос олимларимиздан Турғун Файзиев ва Ориф Усмоновлар шундай ёзадилар. Яссавийлик таълимотидаги солиқлар (тариқат аъзолари) қуйидаги қоидаларни бажаришга мажбур бўлғайлар: 1. Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал кўрмаслиги, унга мутлақо таслимият изҳор этмоғи лозим. 2. Шайхнинг барча ақволи (сўзлари) ва афъоли (ишлари)га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо мўтақид (этикод қилувчи) бўлмоғи лозим... Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкни, бутун бору-йўғини ўз шайхига нисор этмоқ учун доимо тайёр турмоғи лозим.

Қусам Шайх нега бу нотаниш-йигит Баҳоуддиннинг олдига пўчоқ ташлади? Бу билан у нима сўраган бўлди? Нега Баҳоуддин шу заҳоти пирнинг нишхўрди-пўчоқни покқос туширди? Бу билан нима деб жавоб қайтарган бўлди? «Нафаҳот ул-унс...»дан таржима жараёнида Навоий аслиятга содиқ қолиб, воқеанинг ўзинигина баён қилади, уни шарҳлаб ўтирмайди. Чунки тасаввуфдан баҳабар ўша давр кишилари учун ишоранинг ўзиёқ бас эди. Бироқ биз учун сўзу суҳансиз-қовун пўчоғи тили билан гаплашган бу «Суҳбат» шарҳга жуда-жуда муҳтож.

Қусам Шайх гап-сўзсиз ҳам ёш йигитнинг бу ерга илм истаб келганини билади. Хўш, қани, шогирд бутун изнинг устозга топширишга тайёрми-йўқми? Қолаверса, илм олиш маҳали пирдан жуда оғир, инсон учун ғурурга тегадиган вазифалар топширилса, уни ҳам бажаришга кўнглига тўғиб келганим бу йигит ё бу бир шунчаки ҳою ҳовасми?

Бундай ўта муҳим ва нозик саволларни сўз билан ифодалашга ҳеч бир ҳожат йўқ. Негаки суфийлик киши кўнглини англаш экан, кўнглини ҳадди аълосида софлаган, яъники тараққий эттирган комил кишилар учун гап-сўзсиз бир-бирларини англашлари табиий ҳол-ку.

Демак, Қусам Шайхни шогирдлик истаб келган йигитнинг ана шу жихатдан қай даражага етгани, яъни унинг фаҳму-фаросатини ҳам имтиҳон қилиш тўйғуси чулғанини рост. Шу нуктаи назардан қаралса, Қусам Шайх уч бор Баҳоуддиннинг олдига пўчоқ ташлаш билан бўлғуси шогирдни обдон синаб олди.

Навоийнинг матндаги «ғояти талабҳароратидан» деган калиталарда гап кўп. Пўчоқни ейиш билан Баҳоуддин:

«Мен сизнинг олдингизга илм истаб келдим, бу йўлда нимаики машаққат чекишга тўғри келса, мен бунга тайёрман»-демоқчи бўлади. Пир кутган жавобини олган эди. ҚусамШайхнинг пўчоқ ташлаши воқеаси «икки-уч қатлаъ» такрорлангани

ёзилади. Келинг, озгина мулоҳазага эрк берайлик-да, шуни уч марта деб ҳисоблайлик. Чунки Жомий уч марта деб аниқ қилиб ёзади. Чунки суфийлар шу қадар зехнкор кишиларки, ана шу уч марта пўчоқ ташлашнинг замирида ҳам муайян маъною мазмун бўлиши мумкин. Эҳтимол ана шу уч бор пўчоқ ташлашда ҳам бир сир яшириндир.

Биламизки, тасаввуфда аввал шариат, кейин тариқат ва сўнгра ҳақиқат. Биринчи марта пўчоқ ташлаганда пир шогирддан: «Шариатдан илминг борми?-деб сўраган бўлса, ажаб эмас. Пўчоқни еб қўйиш билан шогирд: «Бор лекин сиздан яна таълим олишга муштокман»!-дегандир. Иккинчи бор келиб тушган пўчоқ: «Тариқатдан хабардорлигинг қалай?!»- деган савол эди, балки, «Бехабар эмасман, аммо сизнинг тарбиянгизга мунтазир бўлиб келдим!»-деган жавоб эди, эҳтимол иккинчи пўчоқни еб қўйиш. Учинчи дафъа ташлаган пўчоқ: Ҳақиқат илмини биласанми?»-деган сўроқ бўлиши мумкин. Биламан,-демоқчи шекилли, шогирд учинчи пўчоқни ейиши билан.

-Бироқ сизнинг таълимингиз етмай турибди! Агар шундай бўлса пир кутган жавобни олган эди. Ана шу биргина парча таҳлилидан ҳам айдинлашяптики, Алишер Навоийнинг наинки бадий асарлари ҳар бир давр учун замонавий шарҳларга муҳтож, балки унинг илмий ва ё насрий асарлари ҳам бугун алоҳида ва махсус ашрҳланиши керак. Акс ҳолда, кўпчилик бу бобоколонимиз қаламидан чиққан жумлалар аро яширин маъноларнинг моҳиятига етмай ўтиб кетавериши мумкин.

Ана шундай жиддий синовлар билан бошланган Қусам Шайх ва Баҳоуддин Нақшбанд аро пиру муридлик шу даражага етдики, шогирд уч ойча устоз хизматида бўлиб, унинг энг севимли талабасига айланди. Яна «Насойим ул-муҳаббат...»га суянамиз: «Охир ул-амр Шайх Хожага ташриф берди (бу ерда устознинг шогирдга мустақил иш юритиш учун қўл бериб, рухсат қилгани, яъни унга фатиха бериб, оқ йўл тилагани кўзда тутилган одат бўйича бунда пир туридга хирқа-тўн ёпади ва деди: «Тўққиз ўғлум бор. Сен барчадин улуғроқ ва муқаддамроқ». Тўққуз ўғлум деганда Қусам Шайх фарзандларини кўзда тўтганми ё муридлариними-бу очиқ маълум эмас. Ҳойно-ҳой, Шайх Баҳоуддинни энг улуғ шогирдлари қатори ҳисобляпти.

Қусам Шайхнинг ўзи Баҳоуддин ҳақларида: «Бу навъ талабгорлиғки, сенда кўриб мен, толиблардин ҳеч қайсида кўрмаймен» деган эди.

Устоз Қусам Шайхнинг Хожа Баҳоуддинга ҳурмати шу қадар юксак эдики, умрининг охирида у ана шу муриди юртида яшади ва Бухорода вафот этди.

Биргина пўчоқни ейиш билан бошлаган пиру муридлик ана шундай якун топган эди. Бу устозу шогирд ўртасидаги ўзаро ҳўрмату иззат биз учун намуна бўлғулик. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлари эса бундай ибратомуз жиҳатларга жудо бой. Ингилиз тасаввуфшуноси Ж.С.Тримингэмнинг ёзишича, Ўрта Осиёда тасаввуф ривожиди икки

буюк суфийнинг хиссаси кўп. Бири-Абдулҳосан Али-Хороқоний. У киши милодий 1034 йили 80 ёшида вафот этган. Иккинчиси-Абу Али ал-Фармадий. Бу шайх милодий 1084 йили оламдан ўтган. Фармадийнинг икки шогирди тасаввуф оламида жуда машҳур: биринчиси Аҳмад ал-ғазалий (милодий 1126 йили вафот этган) иккинчиси-Юсуф Ҳамадоний (милодий 1049-1140). Кўп тариқат силсилари ана шу икки шогирддан бошланади. Юсуф Ҳамадоний Бухородо Турон замин соҳиби истеъдодларидан бир гуруҳига тасаввуфдан чуқур таълим берди. Хожа Ҳасан Андокий, Хожа Абдулоҳик, Барракий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулҳолик ғиждувонийлар Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт забардаси халифаси эрди. Биласиз Хожа Аҳмад Яссавий-яссавия тариқатига асос солди. Хожа Абдулҳолик ғиждувоний дастлаб «Хожагон», сўнг эса «Нақшбандия» деб номланган тариқатни бошлаб берди. Баҳоуддин силсилада ҳам бевосита Абдулҳолик ғиждувонийга бориб тақалади. Абдулҳолик ғиждувонийнинг муриди Хожа Али Рамитаний, Хожа Али Рамитанийнинг муриди Хожа Бобо Самосий Хожа Бобо Самосийнинг муриди Саййид Амир Кулол ва Саййид Амир Кулолнинг муриди Баҳоуддин Нақшбанд. Муҳаммад Мусо Даҳбедийнинг «Қасир ул-фавойид» рисоласида Абдулҳолик ғиждувонийгача бўлган силсила ҳам бир-бир баён этилади. Шунинг учун, тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат қаби, Нақшбандия ҳамўзғоялари, тартиб қоидалари, одоблари ва қатъиятларини шакиллантиришда жуда қадим ришталардан сув ичган. Аммо тариқатнинг бўтун моҳиятини белгилаб турадиган мавжуд ўн бир қоида Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд тарафларидан асосланган. Рисоламизнинг кейинги бобларида айрим ишорларнинг Алишер Навоий асарларидаги талқину таҳлиллари берилади. Шунини айтиш керакки, бу ишоралар, аслида , солиқларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалари. Аммо уларнинг қанчалан-қанча рамзий, умум-фалсафий ва ҳаётий маънолари бор. Хўш, зикрнинг ўзи нима? Зикр-тасаввуф йўлига кирган кишиларнинг кундалик ўқуб юрадиган махсус калимаю дуолари. Ходиси шарифда: «Барча зикрларнинг афзали Ло илоҳа иллалоҳ» дейилади. Туронзамин тасаввуфида зикр тушушнинг икки усули амалда бўлган. Бири-зикрилисоний ёки зикри жоҳрия. Бунда зикровоз чиқариб, ижро этилади. Иккинчиси-зикри дил ёки зикри хуфия. Бунда зикр тил билан талаффуз қилинмайди, овоз чиқарилмайди, сўзлар фақат дилда айтилади. Нақшбандияда ана шу зикри хуфия устивор эди. «Ло илоҳа иллалоҳ» сўзларини дилдан такрорлашнинг ҳам махсус тартиб-қоидаси бор эди бу тариқатда. «Ло» дейилганда бош тепага кўтарилади «Илоҳа» деганда эса ўнг тарафга қаралади, «Иллалоҳ»ни дилдан айтганда чап томонга назар солинади. Буни суфий шундай ижро этиши керакки, унинг кўпгина

худодан бошқа ҳеч бир фикр ўрин тутмасин. Зокир яъни зикр тушаётган киши-зикрда, зикр-Олоҳда йўқ бўлиб кетиши керак. Нақшбандия шайхлари ҳақида маноқибу мақоматлар муаллифлари Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг «Кўнглини покловнинг воситаси-зикр. Ҳаққа етишнинг Оллоҳ номини қайта-қайта такрорлашдан бошқа йўли йўқ», -деган сўзларини кўп қоид этадилар.

Тариқатнинг асосини ташкил қиладиган қоидаларнинг бори зикрга алоқадар экани ҳам бежиз эмас. Умуман, Нақшбандия моҳиятини тариқатнинг: «Дил-ба ёр-у, даст-ба қор!»-ишори очиб беради. Бу кўнгил худодан бўлсин-у, қўл-ишда, деган маънони билдиради. Мавжуд ун бир кўпи ҳам моҳиятан ана бош ақидадан келиб чиқади. Бу қоидаларга амал қилиш солиқнинг зикр маҳали ўз руҳини назорат этиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур.

Нақшбандия умуман ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Бу ерда шунигина таъкидлаш жоизки, Нақшбандия тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ оқимни бир оз юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик тўрмушга мослади. Тасаввуфдаги кўп тариқатлар, жумладан яссавия тартиб-қоидасига кўра, зикр тушиш жамоа бўлиб, баланд овоз, яъни жаҳрия усули билан амалга оширилади. Нақшбандиянинг ҳаётга яқинлашганлига далил бўлувчи жиҳатлардан бири шуки, бу тариқат қоидасига биноан, ёлғиз ва ҳатто, ботинан, яъни овоз чиқармай, бировга билдирмай зикр тушиш мумкин.

Умуман нақшбандия тариқатининг ана шундай тарки дунёчилик қиломай, демакки, бу дунё ишларидан очиқ-ошкор қўл силкимай туриб ҳам Оллоҳга етиш мумкинлигини кўрсатиб берганлигини мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб беришини таъминлади.

Нақшбандан бошлаб бу тариқатнинг мавқеи кўтарилгандан кўтарилиб бораверди.

Нақшбандия тариқати ғоялари Алишер Навоий асарлари мағзқмағзига шу қадар сингиб кетганки, уларни фақат шоир очиқ-ошкор тилга олган жойлардангина қидириш ярамайди. Улуғ бобокалонимиз шеъриятида тасаввуфнинг талай жиҳатлари талқину таҳлил этилган, шарҳланган, тарғиб қилинган, мазкур фалсафанинг у ё масаласига шоирнинг бевосита муносабати шоён бўлган.

Тасаввуфий нуқтаи назарларда Навоий аксарият бевосита нақшбандия тариқати мақомида туради. Буни шамс ул-миллатимизнинг ялпи ижоди мисолида атрофлича таҳлил қилиб, исботлаш мумкин. Аммо ҳозир уни «ғорийиб ус-сиғар» девонидаги қитъаларнинг дастлабки бир нечаси мисолидагина кўриб ўтсак. Девондаги қитъалар

маълум ички тартиб билан жойлаштирилган. «Ғаройиб ус-сиғар» муқаттаотининг сарсуханлари» деган умумий сарлавҳа остида берилган бу қатъаларнинг биринчиси, анъанага кўра, бевосита Оллоҳ мадҳида. Унга: «Тенгри зоти ҳақиқатидаким, хирад мабхуту нодондур ва аҳли хирад фартуту хайрон», «Фартут»нинг-заиф, «Хирад»нинг-ақл эканини ҳисобга олсак, демак, сарлавҳада Тангри Зоти ҳақиқатини англашда ақлнинг хайронун нодонлиги, ақл эгаларининг Заифу хайронлиги ҳақида қитъа вада қилинаётгани маълум бўлади. Қитъанинг ўзини келтирмасдан ҳам унинг нима ҳақда эканлигини тушиниш мумкин.

Иккинчиси-яна анъанага кўра, наът қитъа. Унда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳақларида «Расули аъзам шаънидаким, куёшдин оламоройроқдуру нафи қилган хуффошдин тийрароқ», Учинчи қитъа эса: «Фано шарбати бобидаким, таъми заҳри қотилдур-у, бақойи абад нўши заҳрдин ҳосил».

Демак, бу қитъада таъми одамни ўлдирадига даражада аччиқ заҳар бўлса ҳам, боқийлик ана шу заҳардан ҳосил бўлиши ҳақида сўз боради. Шоир айтмоқчики, фанога етиш-машаққат, лекин ана шу машаққатни бўйнига олган кишигина бақога ҳам мушарраф бўлади. Фано ва бақо тушунчаларини бир томонга қўйиб, оддийгина маънода тушунганда ҳам, бу-бир буюк фалсафа. Такрор бўлса ҳам айтай, ахир, қайси эзгу ниятга машаққатсиз эришиб бўлади?! Халқ бекорга: «Жон куйлирмасанг, жанона қайда!»-демайди-да. Мана қитъанинг ўзи:

Фанийи мутлоқ ўлмайин солиқ,
Анга йўқтур умиди мақсади кулл,
Қора туфроқға сингмаган қатра,
Андин имкони йўқ очилмоқ гул.

Демак, учинчи қитъадаёқ, шоир тасаввуфга ўтиб куя қолди. Агар солиқ фонийи мутлақ бўлмаса, кулли мақсад-асл ниётга ета олмайди, боқий бўлмайди.

Чунки, ахир, томчи-қатра қора тупроққа сингмаса, ундан қандай қилиб гул униб чиқиб, очилади?! Бу-тасаввуфнинг ҳар қандай тариқати учун ҳам шоир бўлган фикр-ғоя.

Чунки барча тариқатлар ҳам фано орқали боқога етишни тарғиб қилди.

Марож ва қушлар парвози вақеасигагина қаралса, «Лисон ўт-тайр»-қушлар ҳақидаги дoston. Аслида эса мақсад-солиқлар сиймоларини яратиш. Қушларнинг Симуртсари интилиш солтиқларнинг комил инсонлик Мақомига етиш учун ҳаракатини англатади. Комил инсон бўлиш ғояси эса фақат тасаввуф учунгина аҳамиятли ғоя эмас.

Бадиий адабиёт талқинига айланганидан кейин у, ўз-ўзидан, кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади ва тариқа умуминсоний бир орзу янглиғ жаранглайди.

Хўш, бу дostonни битишда А.Навоийга салофлик қилган фаридиддин Атор (милодий 1225 йилга яқин вафот этган) нима учун Оллоҳга етишни қушлар тимсолида ёритган?

Навоийнинг бевосита пайғамбар меърожи тасвирига бағишланган махсус ғазаллардан икки байт.

Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.
Рафиқнинг тойир андоқким Сулаймон олдида худ худ,
Бурокнинг сойир анжум шоҳи устунда сипехросо.

Бу байтлардаги «фалак» водийлари билан «Лисон ут-тайр»даги етти водий, демакки, пайғамбарнинг Оллоҳ васлига учиб етгани билан дostonда ҳам қушларнинг учиши «Бурок» номли учор отнинг «рафиқ», яъни ўртоқ дейилиши-ю, унинг худди Сулаймон олдидаги «Худхуд янглиғ «тойир», яъни қуш экани, умуман, худхуднинг тилга олиниши, «рафиқ» сўзида жабройил алайҳи-с-салом кўзда тутилиб, унинг Сулаймон олдида Худхудга ўхшатилиши ва «Лисон ут-тайр»да ҳам пир рамзи-Худхуд экани бизга Аторнинг, «Мантиқ ўт-тайр» ва кейин Навоий дostonида нега Оллоҳга етиш йўли қушларнинг парвози янги тасвирлангани ҳақида чуқурроқ мулоҳоза юритиш имконини беради. Хатто, айтиш мумкинки, тасаввуф, хусусан, нақшбандияда малакий сифатларга эга бўлиш буюк орзу, улуг мартаба эди. Навоий «Мажолис ун-нафойис» ёзилаётган пайтда ҳаёт ва шоҳ мадҳига машҳул шоирлар ҳақида сўзлар экан: «...ул ҳазрат зоти малакий сифатиға мадҳ сарояндадур», -деб, Султон Хусайин Мирзони малакий сифатлар эгаси тарзида тилга олади. «Ҳайрат-ул-аброр»да шоир Султон Хусайин мирзонинг катта ўғли-Султон Бадиуззамон Баҳодирни шундай мадҳ этади.

Зоти назоҳатда малойик сифот,
Пок сифоти била йўқ ҳеч зот,
Зоти бошлар, лек сифати малак,
Балки, сифоти била зоти малак.
Бадиуззамон «Лойлову Мажнун»да ҳам малакваш йигит тарзида улуғланади.
Андоқки малакваш ўлди зоти,
Келди малакий бори сифати.

Бадиуззамон ҳақида шундай таъриф «Садди Искандарий»да ҳам давом эттирилади.

Зиҳи хилқатинг нур, бал руҳи пок,
 Малак (!) зикри шаънингда руҳи оридоқ.
 Малойиксифат (!) пок зотинг сенинг,
 Малакаваш (!) жамъийи сифотинг сенинг,
 Эшитган малакасон (!) сифотинг сенинг,
 Дуо бирла истаб ҳаётинг сенинг.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг 22-боби насрий сарлавҳасида, жумладан:...малойик ҳавосида бир неча қанот урмоқ»,-деган ифодага дуч келамиз. Демак, солиқ малаклардек бўлишни орзу қилади, улардек учмоқ истайди.

Нақшбандия ақидаларига кўра, бошқа айрим тариқатларга кўра мансуб солиқлар-қаландарлар каби белга кашкулосиб, шаҳарма-шаҳар, маҳаллама-маҳалла кезиб:

Оллоҳ-дўст, ё Оллоҳ,
 Ҳақ-дўст, ё Оллоҳ!

Деб юриш шарт эмас. «Сафар дар ватан» шундай уқтиради. Шу биргина ишор билан хожагон шайхлари, унинг дастлабки асосчиси Юсуф Ҳамадоний ва кейинги таълимотчиси Абдулҳолик ғиждувоний биратўла ана шу сафарни солиқнинг асосий вазифаси даражасида тушунтирадиган йўлларга муносабатларини билдириб қўяқолганлар эмасми? Чунки, олдинги бобу фаслларда айтилганидек нақшбандия тариқатининг йўли асосан ўтроқ аҳолига мўлжалланган ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган эди, бундай кишилар қандай қилиб белларига кашкул боғлаб, сайрга чиқадилар? Кейин нақшбандияда зикрнинг жоҳирни, яъни овоз чиқариб ижр этиш йўли хуфя, яъни ҳеч кимга билдирмасдан амалга ошириш билан алмаштирилади.

Бурунги куну тонгладин урма дам,
 Ки уи бир одамдур, бу доғи адам.
 Эрурбиз бу кун ҳарис нобуду буд,
 Ки икки адам ичра тутмиш вужуд.
 Даме нақд агарчи бу маъдудт эмас,
 Вале етмак окшомға маълум эмас.

Шу ерга келиб Навоий худди «Маҳбуб ул-қулуб»-даги байтда айтгани фикрни илгари суради. Ўтмишу келажакдан гапирма, нақди-шу иккаласи ўртасидаги ҳозирги даминг, дейди.

Алишер Навоий «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»нинг 21-боби Махсус Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида, Боб бошидаги жамъи ўттиз мисрасида нақд ўттиз бир марта «нақш» сўзи турли шакилларда ишлатилади.

Ҳожики, накроши сипехри балнд,
 Бўлғали ҳар сафҳасига нақшбанд
 Айлади авроқ муноққаш базе,
 Нақш рақам айлади дилкаш базе
 Лек анинг нақши каби дилновоз,
 Чекмади то ҳамасидур нақш соз.
 Собит анинг кўнгли аро нақиш жуд,
 Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.

Бу парчада «нақш» билан боғлиқ бўлмаган бирон сўзсиз мисра йўқ. Бу сўз сатрларида ниҳоятда хилма-хил маъноларни ташиб келган. Уларнинг кўпчилигига Навоий шоирона суҳандонлик билан бир йўла бир неча маъно юқлайди. Шундан ҳам билса бўладики, Баҳоуддиннинг лақаблари бевосита у кишининг кимхобга нақш солиш касбларидан олинган бўлса ҳам, ҳар хил фалсафий-тасаввуфий маъноларда шарҳлаш учун имкон беради. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Энг муҳити, ана шу бобда Навоий нақшбандияга, шунингдек Баҳоуддин Нақшбанднинг табиатиларига хос асосий-асосий жиҳатларни кўрсатиб ўтади. Нақшбандия гарчи ўз ғояларини бошлаган ҳудудлар аҳолиси ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб иш кўрган бўлса ҳам, моҳиятан аҳоли ижтимоий қатламлари аро табақа ажратмаган бир тариқат эди. Бошқача айтганда нақшбандия учун ҳамма тенг-шоҳу-гадо баробар эди. Бу Сулук вакиллари кишиларни синфий жиҳатдан табақаламас эди.

Ахир дунёга келаётганда ҳамма теппа-тенг туғилади, вафотидан кейин ҳам ҳамма теппа-тенг бўлади қолади. Шундай экан нега энди кишилик жамиятида одамлар табақаларга ажратилиши керак. Хуллас, бундай ажиб фалсафаларни Баҳоуддин Нақшбандчалик теран англаганлар кўп ўтган эмас бу дунёдан.

Эҳ-ҳе инсон унинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ масалалар ечимини кимлар излатади, кимлар Оллоҳ ярлақаб бир саховат этгани-улуғ ақлу заковатлари кучини ана шу абад-ул-абад муаммоларни ўрганишга бахшида этмади. Оллоҳ таоло Одам Атодан то Муҳаммадалайҳи-с-саломгача бўлган жами бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарига ваҳий юбориб, ана шу саволга жавоб айтиб турди. Дин билан бақатти яна қанчадан-қанча таълимотлар, назариялар, йўллару-йўруқлар, қонунлару низомлар яралди, яраляпти, яратиажак. Тасаввуф эса жаҳондаги инсонни баркамолликка морловчи энг эътиборли таълимат. У тарихан хилма-хил ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган серқиррабир маънавий оқим. Юртимиз-Турон заминида тасаввуфнинг тўққиз асрлик тарихи бор. Шунча даврдан буён у кишиларда маънавиятни шакллантириш, олий бир камилликка интилишнинг йўли янглиғ мавқе

тутиб келади. Тасаввуфайнан диннинг ўзи эмас, балки исломнинг юксак даражага кутарилган амалиёти. Аниқроғи, у кишидан бевосита бажаришни талаб қиладига, комилликка интилишнинг шариатдан кейинги юқори босқичи ҳисобланадиган фалсафий назария.

Тасаввуфий адабиёт жанр ва тимсоллари.

Режа:

1. Анъанавий жанрлар; ғазал, рубоий, достон, қасида, китъалардан фойдаланиш.
2. Сўфиёна тазкиралар, манокӣб ва ривоят-ҳикоятлар, табақот ва мақоматлар. «географик адабиёт» тушунчаси.
3. Шайхлар образини гавдалантирган ҳикоят ва ривоятлар, уларнинг бадиий хусусиятлари.

Алишер Навоий шеърини, жумладан ғазалларида замонанинг ижтимоий-сиёсий ҳолатидан сўз йуритиш, бу соҳага оид ўз мулоҳазаларини баён этиш кайфияти ҳам кузатилади. Жумладан:

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.
(МАТ, 3-том, 252-бет)

Бунда асосий диққат кўнгулнинг ёрдан айру-жудо бўлмоғи мумкин эмас, яъни кўнгул мулкнинг жони-султони ёрдир, деган фикрга қаратилган бўлсада, аммо шоир бу фикрни кучайтириш мақсадида ижтимоий ҳаётдаги ҳодисага – мамлакатнинг султонсиз бўлиши мумкин эмаслиги, яъни султон мамлакатнинг жони эканлиги масаласига мурожаат этади. Бу билан Алишер Навоий ўзининг мамлакат ва унда шоҳнинг мавқеъи тўғрисидаги ижтимоий қарашини ифода этади. Шунинг билан бирга Алишер Навоий султон-шоҳнинг қандай фазилат соҳиб бўлмоғи лозимлиги масаласига доир мулоҳазасини шундай баён қиладиган:

Васл ила қилғил бузуқ кўнглум иложинким, қилур
Шоҳ адл етмак била вайроналар таъмирини.
(МАТ, 5-том, 418-бет).

Бу байтда қўлланилган тасвир усули йуқорида келтирилган байтдагига ўхшаш бўлиб, унда шоҳнинг асосий фазилати адолатли бўлиши лозимлигига ишора қилинмоқда, чунки шоҳнинг адолатни асосий мезон қилиб олиши вайроналарнинг (бу кенг маънода) обод бўлишининг бош омили сифатида талқин қилинмоқда. Кўринадики, Алишер Навоий мамлакатда шоҳнинг бўлиши лозимлигини, унинг бошқарув фаолияти асосини еса адолат ва адолатлилик ташкил етмоғи даркорлигини ҳақли равишда таъкидламоқда.

Алишер Навоий ғазалларида шоҳлар атрофида-саройида доно вазир ва амалдорлар бўлиши лозимлиги, унинг адолатли бошқарувини ташкил этишда, амалга оширишда муҳим аҳамиятга ега эканлиги масаласи ҳам жудо нозик тарзда ифода етилган. Жумладан:

Шоҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом етмиш не тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек кироқ.
(МАТ, 3-том, 258-бет).

Бунда сўз шоҳмот тахтасида шоҳ, фарзин ва рух каби доналарнинг ўрни ҳақида боргандай туйулади. Аммо асосий мақсад еса ижтимоий ҳаётдаги шоҳ, унинг вазири аъзами (фарзин) ва амалдорлари (рух)нинг сифатларини баён этишдан иборатдир. Шунинг учун фарзинга “каж”, рухга еса “ростравлар” сифатлари берилган. Бу билан Алишер Навоий шоҳнинг ёнида “кажравлар” – егрилар, фирибгарлар бўлсалар, улар “ростравлар”, яъни адолатли, имонли кишиларни шоҳга яқинлаштирмайдилар,

натижада “ростравлар”, худди шоҳмот тахтасининг бир четида рухнинг ўрин олганидай, шоҳдан узоқлашадилар. Бунинг натижасида еса мамлакатни бошқаришда “фарзин”лар йетақчилик қилгач, адолатсизлик, золимлик, фирибгарлик авж олади. Демак, Алишер Навоий бу билан шоҳларни огоҳлантирмоқда ва бундай ҳолга йўл қўмасликка даъват етмоқда. Демак, йуқорида қайд қилинганлардан кўринадики, Алишер Навоий ғазалларида бошқа кўргина мавзулар билан бирга ижтимоий ҳаёт, шоҳ ва шоҳлик бошқаруви масаларига оид ижтимоий қарашларини ҳам ниҳоят мўжаз тарзда ифода етган.

Шунинг билан бирга шоир кизик бир ҳодисага ҳам диққатни қаратган, й ҳам бўлса-шоҳ ва ишқ-ошиқликнинг масаласидир. Алишер Навоийнинг тасвирлашича, шоҳ ва шоҳликнинг ишқ ва ошиқликка алоқаси йўқ, булар икки бир бирига қарама-қарши сифатлардир:

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини бир йил йугурса додхоҳ.
Шоҳ додимга нетиб йетсунки мулки ишқ аро,
қадри олий шоҳ ила тенгдур гадои хоки роҳ.
Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг емас
Ким, болокашлик менинг хўйимдур, анинг иззу жоҳ.
Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким керак анда сариғ йуз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ.
Шоҳ ким, матлубига куллуқ буйургай ишқ емас,
Кимки, ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.
Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвга то ўт туташқай, кул бўлур йуз минг гиёҳ.
Ей Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни тормас родшоҳ.

(МАТ, 3-том, 432-бет)

Алишер Навоий мазкур ғазалида ифода етилган мавзуни ҳар ким ҳар хил шарҳлаши, талқин қилиши мумкин. Бизнингча, Алишер Навоий бунда енг олижаноб фазилат бўлмиш ишқу муҳаббатдан, унинг соҳиби бўлган ошиқнинг еса “болокаш”, “сариғ йуз”, “лаългун ашқ”, “ўтлуғ оҳ”, “зору забунлиғ” сифатларига ега бўлмоғи шартлигидан сўз йуритмоқдаки, бундай сифатлар ҳамма ошиқларга ҳам муяссар бўлавермайди. Бундай фазилатларни еса бойликлар, тахту тожлар евазига ҳам қўлга киритиш мумкин емаслиги ғазалнинг якунловчи байти-мақтаъида ниҳоятда чиройли ва аниқ-равшан баён етилган. Алишер Навоийнинг замона ва унинг аҳли ҳақидаги мулоҳазалари риёкор, фирибгар тоифалар, жумладан аслида дин ва унинг моҳиятини билмовчи, аммо фирибгарлик қилувчи айрим “воиз”, “шайх”лар ҳақида ҳам ғазалларида баён етилган. Чунки бундай тоифадаги айрим “воиз” ва “шайх”лар муқаддас дин ва унинг имонли мухлисларига хиёнат қилгувчилардир, деб тушунади шоир. Зеро “Низомиддин” шарафли лақабига ега бўлган Алишер Навоий диннинг муқаддаслиги учун, унинг ҳаётбахшлиги учун умри давомида фаёолият кўрсатган сиймолардандир.

Алишер Навоий ғазалларида ўз ҳаётининг маълум даврларида бошидан кечирган ҳодисалар сабабли замона ва унинг аҳлидан, қадрига йетмаганлардан шикоят қилиш оҳанглари ҳам тез-тез учраб туради. Бундай оҳанглар ғазал шаклида бўлганидан унда “ишқ-маъшуқа” ҳам тилга олинади ва шу кўламда (фонда) йуқорида еслатилган оҳанглар баён етилади. Фикрнинг исботи сифатида қуйидаги ғазални кўздан кечириш мумкин:

Кимга қилдим бир вафоқим, йуз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб йуз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.
Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға,
Ҳар тарафдин йуз туман тиғи жафосин кўрмадим,

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
 Ҳар вафога йуз жафо онинг жазосин кўрмадим.
 Кимга жонимни асир еттимки, жоним қатлига,
 ғайр сори хулқу лутфи жонфизосин кўрмадим.
 Кимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичраким,
 қон аро ринҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим.
 Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваккуъ, ей рафик,
 Ким, мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.
 Ей Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида –
 Ким, бу ишда дайр рирининг ризосин кўрмадим.
 (МАТ, 5-том, 307-бет).

“Ҳазойин ул-маони”нинг “Бадойеъ ул-васат” девонига киритилган бу ғазал йетти байтдан иборат бўлиб, рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган. Унинг радифи “кўрмадим” бўлиб, бу сўз 1-4 – байтларда “инкор-тасдиқ” маъноларида келган бўлса, қолган бошқа байтларда “инкор” маъносида, яъни ўз маъносида ишлатилган.

“Кўрмадим” радифи ғазал байтларини ўзаро боғлаш ҳамда ифода етилатган мазмуннинг изчил давом еттиришнинг омили бўлган, яъни ғазалнинг якрора-яхлит бўлишига хизмат қилган. ғазалнинг якрора бўлишига хизмат қилдирилган унсурлардан яна бири 1-5 – байтларнинг “кимга” сўзи билан бошланишидир. Бу тақрир ҳам байтларнинг ўзаро боғланишини, фикрни изчиллик билан баён етилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшган. Айтилган мулоҳазалар якрораликнинг шаклий-зохирий томонларидир. ғазалнинг замона аҳлидан шикоятдан иборат бўлган мавзуси еса унинг мазмуний, маънавий якроралиги ва яхлитлигини майдонга келтирган. ғазалнинг асосий мавзуси еса “вафо қилиб, унинг евазига сонсиз жафо тортганлик”ни баён етишдир. Шу мақсадда ғазалнинг қариб ҳар бир мисрасида, бир томондан, “вафо, меҳр” сўзлари такрорланса, иккинчи томондан, унинг тазоди бўлмиш “жафо, дарду бало, жазо” сўзлари келтирилади. қизиғи шундаки, биринчи гуруҳга мансуб сўзлар ифода етувчи мазмунга иккинчи гуруҳга мансуб сўзларнинг мазмуни устунлик қилади, яъни кимга бир вафо қилинган бўлса, ундан йуз жафо кўради; кимга йуз карра меҳрибонлик кўрсатилган бўлса, евазига минг дарду бало кўради ва, ҳаттоки, бу тиғи жафоларнинг сони йуз туманга (бир миллионга) кўраяди. Тўғри, шоир бунда муболағани ишлатган, ишлатганда ҳам ўринли ишлатган. Чунки бу муболаға шоир айтмоқчи бўлган фикр ва ифода етмоқчи бўлган руҳий ҳолатни тўла-тўқис акс еттиришга хизмат қилади.

ғазалнинг асосий қаҳрамони мулоҳаза йуритувчи “мен”дир. Ана шу “мен”нинг ҳаётий тажрибалар устида мулоҳаза йуритиши, ўз-ўзига мурожаат етиши-савол бериш шаклида баён етилган. Шуниси ҳам борки, ғазалда маълум даражада ҳасби ҳоллик хусусияти ҳам мавжуд. Аммо бу хусусият умумлашган ва бадийлашган бўлиб, унда яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро муносабати ва натижаси ҳаётдаги нотекисликлар, адолатсизликлар ўз ифодасини торган.

Худди шу мавзу:

қон йутиб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
 Лекин ул камрак торилди, гарчи бисёр истадим.
 Кимгаким, жоним фидо айлаб соғиндим ёр ерур,
 Ермас ерди ёрлиғда чун вафодор истадим, -
 (МАТ, 4-том, 316-бет)

мисралари билан бошланадиган ғазалда ҳам давом еттирилган. ғазал мақтаёида еса умидсизлик, яққаланиб қолганлик руҳи анча кучли:

Ей Навоий, чун рафике тормадим, бу ғуссадин,
 Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

Маълумки, Алишер Навоий шеърятда ҳаётдўстлик, инсондўстлик кайфиятлари ва руҳи йетакчилик қилади. Шундай бўлса-да, йуқорида келтирилган ғазалнинг руҳи ундан фарқ қилади. Бу ҳол бежиз емас, чунки Алишер Навоийнинг шу ғазалда еътироф етганидек:

Билмадим, олам елида йўқтурур мутлақ вафо
Ваҳки умре улча йўқтур соғиниб бор истадим.
Улки торилмас башар жинсида, ваҳ, ғафлат кўрўнг,
Ким рари хайлида мен девонайи зор истадим.

Шундай қилиб, замона аҳлидан, уларда вафо ва вафодорликдан дарак бўлмаганидан шикоят қилиш мавзусидаги якрора ғазаллар ҳам анъанавий шакл (ғазал)да янгича мазмунни ифодалашга бўйсиндирилган асарлардир. Шунинг билан бир қаторда шикоят мавзусида ёзилган ғазалларда фақат замона аҳлидан емас, балки “оромижон, дилситон” маҳбубларни тора олмасликдан шикоят қилиш ҳам кўзга ташланади. Бундай ғазалларнинг мавзу доираси маълум даражада тораяди, аниқроқ бўлади. Бу ҳолни, жумладан, қуйидаги матлаъ билан бошланадиган ғазалда учратиш мумкин:

Меҳр кўр кўргуздум, аммо меҳрибоне тормадим,
Жон баче қилдим фидо, ороми жоне тормадим.

(МАТ, 3-том, 326-бет)

“Ҳазойин ул-маони” таркибидаги ғазалларда бундай сифатларга ега бўлганлари еса анчагинадир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Шоирнинг ижтимоий ҳаёт ва тоифалар ҳақидаги мулоҳазалари ғазалларда қандай тарзда ифода етилган?
2. Шоҳ, адолат ва адолатликка бағишланган байтларнинг аҳамияти нимада?
3. Ижтимоий ҳаётдаги риёкорлар танқидинг моҳияти нимадан иборат?
4. Замона ва унинг аҳлидан шикоятларда ҳасби ҳоллик хусусияти бор-ми?

Мустақил машғулоти учун торшириқлар

1. “Бадойеъ ул-бидоя” девонидаги ижтимоий мавзуларга бағишланган ғазалларни мутолаа қилинг.
2. Ҳасби ҳоллик хусусиятига ҳам ега бўлган ғазаллардан 20-30 байтни ёд олинг.

Тасаввуф тимсоллари.

Режа:

1. Маъшуқа жамолига оид тимсоллар (гул, юз, қош, кўз, соч, бел, комат, лаб, лаъл лаб) маъноси; ошиқ сифатини белгиловчи маънолари (ниёз, ҳоксорлик, ташрид, тафрид каби);
2. Ичимликлар (май, бода, шароб) ва шу билан боғлиқ сўзлар (соғор, қадах, жом, майхона, пири муғон, муҳбача, зуннор) изоҳи ва шарҳи;
3. Шариатга оид сўзлар (имон, ислом, буд санам, жойнамоз, қибла, куфр); табиат билан боғлиқ сўзлар (қуёш, шамол, тонг, сув, оби ҳаёт, тер шарқ ва ғарб);
4. Сўфиёна маънолари шарҳи.

Алишер Навоий ғазалларининг мавзу доираси кенг эканлиги қайд қилинган еди. Шоир қайси мавзудан сўз йуритмоқчи бўлса, ўша мавзу ва мазмунни ифодалаш учун ғазал шакли (қолири)ни унга хизмат қилдиради. Натижада улар расмий ғазалларга шаклан ўхшаса-да, аммо мавзу, мазмун, тимсол ва бадиият жиҳатидан расмий

ғазаллардан фарқ қилади. Бундай ҳол шоирнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий-тасаввуфий мавзулардаги ғазалларига ҳам дахлдордир.

Алишер Навоий ғазалларида тасаввуфий мавзу турли хилда-якрора ғазаллар, якрора бўлмаган ғазаллар, ишқ мавзусига бағишланган ғазалларда ҳам ёритилган. Биз қуйида айрим якрора ғазалларда бу мавзунинг ёритилишига оид мулоҳазаларни баён етмоқчимиз.

Маълумки, тасаввуф исломий цивилизация ҳудудидаги минтақаларда кенг тарқалган фалсафий йўналиш бўлиб, Алишер Навоий яшаган даврда ҳам унинг турли кўринишлари мавжуд еди. Шундан-да, Алишер Навоий ҳам бу фалсафий қарашнинг асосларини ёшлигидан ўрганиб, кейинчалик унинг тормоқларидан бири бўлмиш нақшбандия сулукини қабул қилган еди. Бу сулукнинг назарий ақидалари Алишер Навоий яратган барча асарларда, жумладан шеъриятида ҳам ўзининг бадиий ифодасини торди. Бундай ақидалардан бири комил инсонни шаклантириш бўлиб, уни амалга ошириш йўллари аниқлаш кўрчиликнинг, жумладан Алишер Навоийнинг диққатини ўзига тортган еди. қуйида келтираётганимиз ғазал ҳам ана шу масалага бағишланган. Алишер Навоийнинг “Бадойеъ ул-бидоя” ва сўнгра девонлар туркумидан иборат “Хазойин ул-маони”нинг шу ғазал билан башлангани бежиз емасдек туйулади:

Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ул-худо,
 Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.
 ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
 Йўқтур, ей соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.
 Ей, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,
 Жом ўлур гетинамо, Жамшед ани ичган гадо.
 Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,
 Йуз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.
 Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, ей муғбача,
 Жоми май тутсанг мени девонадин қил ибтидо.
 Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар-
 Чехрайи мақсуд, махв ўлғай ҳам ул дам моадо.
 Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
 Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.
 Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд ерур,
 Билмайн нафй етма, бу майхона аҳлин, зоҳидо.
 Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин,
 “Ишрабу, ё аййух ал-атшон” келур ҳар дам нидо.

(МАТ, 3-том, 25-бет)

Келтирилган ғазал “Хазойин ул-маони” таркибига кирувчи биринчи девон – “ғаройиб ус-сиғар”даги биринчи ғазалдир. У тўққиз байтдан иборат бўлиб, арузнинг “рамали мусаммани маҳзуф” (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) баҳрида муламмаъ санъати ишлатилиб (биринчи мисра ва мақтаъдаги охирги мисранинг бир қисми араб тилида, қолганлари еса ўзбек тилида) ёзилган ғазалдир. Бу ғазал мажозий “ишқ-ошиқ-маъшуқа” тасвирига бағишланган ғазаллардан мавзунинг тасаввуфий эканлиги билан фарқланиб, унда ҳақиқий ишқ – комил инсон муаммоларидан фалсафий мушоҳада йуритилади. Шунинг учун унда анъанавий ғазаллардаги маъшуқа “қоши, кўзи, сочи...” тасвири ҳам ёки унинг “бевафолиги”, “золимлиги”, “фирибормиз” илтифотлари ҳақида ҳам сўз бормайди; ғазалда анъанавий тимсоллар ҳам (маъшуқа, рақиб...), шунга боғли бўлган тасвир воситалари ҳам кўринмайди. Мазкур ғазалда янги тимсоллар ва улар билан боғлиқ тасвир воситалари қўлланилган. ғазалда “жом, май, кўнгул жоми, сингон сафол, чехрайи мақсуд, ваҳдат майи, азал соқийси” каби тимсол ва “калит” сўз – ибора борки, улар тасвирланаётган мавзунинг моҳиятини ўзларида акс еттирадilar. ғазалда “жом ва май” ихом санъатида

қўлланилиб, улар зоҳирий маънодагина емас, балки яна бошқа – ботиний маънода ҳам ишлатилганлигини Алишер Навоийнинг ўзлари ҳам алоҳида таъкидлайдилар: “Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд ерур”. Бу саволга Алишер Навоийнинг ўзлари бутун ғазал давомида чиройли жавоб берадилар. Буни англаш учун ғазалнинг байтларини кўздан кечирайлик:

Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ил-худо,

Ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо.

Биринчи мисраъ арабча бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича: “қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари рорлаб чикди” ҳамда (иккинчи мисраъ) “Ёр аксини майда кўр, деб жомдан садо чикди”. Бу билан шоир нима демоқчи? қуёш косасининг акси ва ҳидоят нурларининг рорлашини қандай тушинмоқ даркор?

Бу саволларга жавоб “калитлари”ни Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган наът ғазалнинг қуйидаги байтидан ториш мумкин:

Равшандурурки, меҳр йузингдин олур сафо,

Йўқса, не важҳ ила қамар андин торар зиё.

(МАТ, 6-том, 7-бет).

Байтда сўз Аллоҳ таоло ҳақида бўлиб, у шундай маънони англатади: Ей Аллоҳ, ҳаммага маълумки, Меҳр (қуёш) сендан роклик нурларини олади, агар шундай бўлмаса, Ой (қамар)нинг ёриғлиги – нурлари қайердан ҳам бўларди.

Бундай мазмунни “Бадойеъ ул-васат” девонига киритилган ғазалнинг қуйидаги байтида ҳам кузатиш мумкин:

қуёш йузига боқардин назар ерур ожиз,

Йузунгдин етти магар акс зоҳир ул кўзгу.

(МАТ, 5-том, 354-бет)

Шу ғазалнинг:

Магар тажаллийи ҳуснунгға мазҳар ўлди қуёш,

Ки зоҳир айлади онча била ёғду, -

байтида кўрилатган масалага доир мулоҳаза очиқ-ойдин ифода етилган.

Демак, биринчи мисолдаги “қуёш косаси акси” иборасида қуёшнинг Аллоҳ таолодан роклик нурларини олиши ва у нурларнинг косаси кўзгусида акс еттириши маъноси сингдирилган. қуёшдан келатган ана шу ҳидоят - йўлбошчилик қилувчи илоҳий нурларда еса ёрнинг аксини (Аллоҳ таолонинг тажаллийисини) кўрмақчи бўлсанг, уни майда кўр, деб жомдан нидо (товуш) келди. Бу байт ҳусни матлаъ бўлиб, унда шоир бутун ғазалда ифода етмоқчи бўлган фикрнинг қаймоғини баён етган ҳамда “жом ва май”нинг ўзга-ботиний-тасаввуфий маъносини ҳам очиб берган. Бошқача қилиб айтганда, шоир айтмоқчики, Аллоҳ таолонинг нурлари қуёш косасига тушгач, ана шу косада тажаллий торган (жилоланган, кўринган) илоҳий нурларни қуёш бутун оламга ёяди. Бунда қуёш тажаллийгоҳ коса бўлиб, унда жилоланган нурларда Аллоҳ таолонинг буйуклиги ва ғозаллигини кўриш мумкин. Бас шундай экан, қуёш таратаётган илоҳий нурдан баҳраманд бўлган барча мавжудот ва махлуқотда Аллоҳ таолонинг ғозаллиги ва буйуклигини кўриш ҳамда тасаввур етиш мумкин. Шундай экан, “ёр аксин майда кўр” деган нидо (товуш)нинг маъноси ойдинлашади, яъни Аллоҳ таолонинг ўзи емас, балки унинг барча зотий ва сифотий фазилатлари илоҳий нурлар тажаллийсида намоён бўлади. Бунинг моҳиятини еса ҳамма ҳам емас, балки ундан огоҳларгина, яъни комил инсонларгина англайдилар ва баҳраманд бўладилар. Бундай даражага еришишнинг шарти иккинчи байтда баён қилинган:

ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,

Йўқтур, ей соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Байтнинг маъноси: агар кишининг кўнглида Аллоҳ таоло зикридан бошқа нарсалар фикру хаёли, яъни мол-дунёга ҳирс кўймоқлик, амалрарастлик ва ҳоказолар ғамининг занги-гарди, ғубори тўрланган бўлса, кўнгулни бундай занг-ғуборлардан

тозалагувчи асосий омил бу – ваҳдат майидир, яъни Аллоҳ таолони доимо зикр қилиш ва унинг зотий сифатлари нурлари билан зангларни кеткизишдир. Демак, инсоннинг комиликка еришувининг асосий омили Аллоҳ таолонинг якка-ягоналиги (ваҳдати) ва буйуклигини (акбар) еътироф етиш билан ўзлигини таниши, барча олижаноб фазилатларни ўзида мужассам ета олишидадир.

Байтда “ғайр нақши”, “кўнгул жоми”, “занги ғам”, “майи ваҳдат” каби ибораларнинг тасаввуфий мазмунни ифода етиш учун ишлатилганлиги, улардаги ўхшатиш, сифатлаш, истиора ва ихомларнинг ҳам шу мақсадга бўйсиндирилгани еътиборга лойиқдир. Бундаги “кўнгул жоми” хусусан диққатга сазовордир. Бу билан шоир аввалги байтдаги фикрни, яъни коинотда Аллоҳ таолонинг тажаллийгоҳи қуёш косаси бўлса, Йер куррасида еса унинг тажаллийгоҳи инсон кўнглидир, демоқчи. Худди ана шу маънода “шамс ул-каъси” – қуёш косаси ҳамда “кўнгул жоми” ўртасидаги мантикий ва маънавий ўхшашлик ҳамда боғланиш майдонга келади. Шундай қилиб, Аллоҳ таолонинг коинотда қуёш косасида тажаллий қилиши туфайли қуёш бу илоҳий нурлардан коинот ва Йерни баҳраманд етса, Аллоҳ таолонинг инсон кўнгли жомида тажаллий етиши еса йердаги барча махлуқотларга инсоннинг намуна ва ибрат бўлиши, яъни илоҳий маърифатни тарқатувчи комил мавжудот эканлиги таъкидланади. Демак, қуёш ва инсоннинг вазифалари ёки мавқелари бир-бирига ўхшашдир. Шу жиҳатдан инсон ҳам қуёшдир. Бу фикр машҳур Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сида шундай ифода етилган:

Чун намеоянд инжо, ки манам,
К-андар ин изз офтоби рушанам.
Машриқи хуршед буржи киргун,
Офтоби мо зи машрикҳо бурун.
Машриқи нисбати зарроти,
На баромад, на фуру шуд зоти ў.
Моки ворасмонди зарроти вайем
Дар ду олам офтобе бефайем.¹

Мазмуни: Мен кўргина масалаларни ҳал етишда ёриқ қуёш бўлсамда, одамлар менинг қошимга негадир келмайдилар. қуёшнинг машриқи (чиқадиган жойи) қизилранг бурж бўлса, бизнинг қуёшимиз машриқдан (чиқадиган жойдан) ташқаридадир. Бу қуёш (Аллоҳ)нинг машриқи унинг зарралари билан боғлиқ бўлиб, унинг зотининг на чиқиши, на ботиши бор, чунки у абадий ва азалийдир. Биз унинг арзимас зарралари эканмиз, демакки, икки оламнинг ҳам сояси қуёшимиз. Кўринадики, инсоннинг буйук мақомини белгилашда Алишер Навоий ва Жалолиддин Румий каби икки буйук даҳонинг фикрлари бир-бирига уйғундир. Алишер Навоийнинг сўз йуритаётганимиз ғазалининг учинчи байтида иккинчи байтда келтирилган “ваҳдат майи”нинг мўжизаларидан сўз йуритилган:

Ей, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гети намо, Жамшед ани ичган гадо.

Байтдаги “синғон сафол” ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг “ал-факру фаҳри” (факр-фаҳрим) ҳадисларини ўзининг яшаш-тириклиги мазмуни деб қабул қилган, “кўнгли жоми”даги ҳар қандай занг-ғуборни кеткизиб, комилликка еришган инсоннинг ашёси (мол-дунёси, байигарлиги) бўлиб, бу ашё-синғон сафол бундай инсон учун жаҳонни ўзида кўрсатадиган гетинамо – жаҳоннамодир, яъни “синғон сафол” егасида жаҳондаги барча нарсаларни очиқ-ойдин кўра олиш, идрок етиш қобилияти майдонга келади. Шундан-да, ана шу “синғон сафол”даги май (ваҳдат майи, илоҳий тажаллий нурлари)дан баҳраманд бўлган гадо – афсонавий Жамшед мартабасига еришади ва комил инсон даражасига йетган улуғ зот саналади.

¹ Фарҳанг, 1991, № 8, 6-бет

Байтда талмеҳ (Жамшед-жом), тавсиф (синғон сафол), ташбеҳ (жом-гетинамо, гадо-Жамшед), ихом (май) каби бадий тасвир воситалари маҳорат билан ишлатилган.

Тўртинчи байтда ана шундай сифатларга ега бўлган “жому май” учун жону жаҳонни бағишласа ҳам камлик қилажаги уқтирилган.

Демак, ғазалнинг 1-3 – байтларида “жому май” сифатлари баён етилган бўлса, тўртинчисидан уларнинг буйук аҳамияти умумлаштирилган.

Бешинчи байтдан бошлаб, ана шундай фазилятли “жому май”дан баҳраманд бўлиш натижаларидан сўз йурилади. Жумладан:

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, ей муғбача,

Жоми май тутсанг мени девонадин қил ибтидо, -

яъни, ей муғбача, дайр (майхона)га келган ҳуш аҳлининг расво бўлишини истаб май жомини таклиф етмоқчи бўлсанг, бу ишни мендан бошлаб қўяқол. Албатта, байтнинг ҳам зоҳирий ва ҳам ботиний-тасаввуфий маънолари бор. Ботиний мазмуни бўйича бунда “муғбача” ваҳдат майидан баҳраманд бўлишга раҳнамолик қилгучи решво, “дайр” еса унинг макони-манзилидир. Бас шундай экан, солиқ – мен ана шу решво-рирдан тўғри йўлни ўрганишга биринчилар қаторида тайёр эканлигини билдирмоқда. Солиқ–меннинг бу ишга биринчилардан бўлиб шошилганининг сабаби олтинчи байтда очиқ-ойдин баён қилинган:

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар,

Чехрайи мақсуд, маҳв ўлғай ҳам ул дам моадо, -

яъни агар ваҳдат майи-илоҳий маърифат нурлари кўнгул жомида жилвагар бўлса, унда чехрайи мақсуд – исталган чехра-Аллоҳ таолонинг тажаллий нурлари кўринади ва натижада кўнгил жомидаги бошқа (ғайр нақши, моадо) нарсалар маҳв бўлади, йуқолади, унда фақат “чехрайи мақсуд” қолади, холос. Бу ҳолатнинг натижаси еса йеттинчи байтда баён қилинган:

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,

Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Яъни жом ва май бир-бири билан қоришиб, яхлит ҳолатга келади. Бунда шоир солиқ-меннинг ўзлиги билан илоҳий нурларнинг қўшулуви ёки илоҳий нур-руҳнинг жом-танада жойлашиб, яхлитликни майдонга келтириши ва шундан “сен” ва “мен”нинг бирлашуви – комилликнинг енг йукори даражаси ҳақидаги тасаввуфий фикрни ифода етмоқда. Шундан-да, ҳатто “жом” ва “май” сўзлари ҳам шаклан бирлашиб, бир исмни

майдонга келтиради. Ҳақиқатан ҳам араб ёзувида “жом” () ва “май” () сўзлари бирлаштирилса, “ ” – “ ” – “Жомий - Жомий” сўзи вужудга келади. Бу билан Алишер Навоий ана шу комил инсонлик фазилятларининг замондоши, устози Нуриддин Абдурахмон Жомий сиймосида мужассам эканлигини уқтирмоқда ҳамда бу соҳада Абдурахмон Жомий ҳамиша намуна бўлиб қолишини еслатмоқда. Бу ниҳоятда муҳим ҳулосадир. Чунки у тасаввуфий мулоҳазалар фақат назарий, мавҳум фикрлар емаслиги, балки унинг амалий, ҳаётга татбиқ етилгани ва натижаси (Абдурахмон Жомий тимсолида) еса Алишер Навоий яшаган даврда яққол намоён бўлгани жуда катта назарий ва амалий аҳамият касб етади.

Шундай қилиб, йеттинчи байт ғазалда баён етилган фикрнинг енг йукори чўққиси – натижасини ифода етганлиги билан муҳим мавқега ега.

Кейинги – саккизинчи байтда “жом ва май” каби муқаддас тасаввуфий сўзларнинг ботиний маъноларини билмасдан уларни зоҳирий маъноларидан келиб чиқиб инкор қилувчиларни масаланинг асл моҳиятини чуқур тушинишга даъват етади. Ниҳоят якуний-тўққизинчи байтда еса шоир таъбир бадий санъатидан фойдаланиб, Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган “ишрабӣ ё аййуҳ ал-атшон” (ваҳдат майидан ичгил, ей ташналаб) оятини далил келтириб, ўзини ҳам ва

бошқаларни ҳам бундан баҳраманд бўлиб, комил инсон бўлиш учун интилишга чорлайди.

Кўринадики, Алишер Навоийнинг “Ашрақат” сўзи билан бошланадиган ғазали тасаввуфий мавзудаги яқрора ғазал бўлиб, у расмий ошиқона ғазаллар шаклида бўлса-да, аммо моҳиятан янги бир адабий асар ҳисобланади. Унда фалсафий мушоҳада йетакчи ўринни егаллаб, Алишер Навоийнинг ҳаёт мазмуни, инсонийлик ва комил инсон муаммосига доир қарашлари ўз аксини торган. Бундай ғазаллар “Ҳазойин ул-маони”да кўрлаб учрайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. “Ҳазойин ул-маони” девони қайси ғазал билан бошланади ва у аввал қайси девонга келтирилган еди?
2. “Ашрақат” сўзи билан бошланадиган ғазалнинг мавзуси нима?
3. Тасаввуфий мавзудаги бу асар қандай жанрда ифода етилган ва унинг фарқи нималарда кўринади?
4. “Ҳазойин ул-маони”даги ғазаллардан яна қайсилари тасаввуфий мавзуга бағишланган?

Мустақил машғулот учун торшириқлар

1. “Ҳазойин ул-маони” девонларидаги ҳамд ва наът ғазалларни мутолаа қилиб, уларни шарҳлашга уриниб кўринг.
2. Алишер Навоийнинг “Илоҳо, подшоҳо” деб бошланадиган ғазалини ўқиб, таҳлил ва талқин қилинг.

«Лисонут тайр» достони–тасаввуфий достон.

Достоннинг яратилиши. Асардаги тимсоллар талқини, ҳикоятлар таҳлили.

«Лайли ва Мажнун» - ишқий-фожиавий достон.

Режа:

1. Достон оригиналлиги.
2. Достонда шахс эрни ва севги масаласи.
3. Асарнинг ғоявий мазмуни, тимсоллар ва тасаввуфий қарашлар талқини.
4. Тимсоллар талқини.

«Лайли ва Мажнун» Навоий «Хамса»сининг учинчи достони бўлиб, Шарқда машҳур бўлган араб афсонаси сюжети асосида 1483 йилда яратилган.

Маълумки, бу фожиавий қисса Навойдан илгари ҳам қатор шоирлар тамонидан қаламга олинган эди. Лекин улар чида шуҳрат тонганлари Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Жомий достонлари бўлди. Навоий фз салафлари асарларига юқори баҳо берар экан, ютуқларини қайд қилиш билан биргаликда камчиликларини ҳам дадил кўрсатади. Шоир фикрича, улар асрларини яратаётганларида юзб берган воқеаларни ноқиллардан эшитиб, назм инига терганлар, Навоий сингари «Ишқ дастига сафар этиб» ишқ мажароларини, ишқ малолини ҳис қилмаганлар. Шоир достонни ёзишга киришар жан, араб манбаларини чуқур ўрганади, ўзидан илгари яратилган достонларни муқомал ўзлаштиради. Бу ҳол

достон муваффакиятини таъминлади. Навоий достонга турк руҳи сингдирилганлигини асар ҳожимясида алоҳида таъкидлайди:

Мен дағи майниким сузубмен,
Туркона суруд онга тузубмен.

Достон гарчи араб қабилалари ҳақидаги афсона сюжети асосида яратилган бўлса-да, у асосан XV аср ҷамияти ҳаётини тасвирлашга боғишланган. Афсона сюжети достонда давр воқелигини акс эттиришда, шоир тили билан айтганда, «либоси мавзун» бўлиб хизмат қилган:

Ёзмокда бу ишқ жовидона,
Мақсудим эмас эди ғасона
Мазмунга бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туғайли,
Лекин гу раҳамга келди мазмун
Афсона онга либоси мавзун.

Шоир таъкидлаганидек, достонда асосан қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, уларнинг руҳий ҳолатлари, дард-аламлари тасвирланади. Шунинг учун ҳам аср бошқа достонлардан ўзининг мунглилиги билан ажралиб туради. Шоир уни бир неча ўринда «ғасонайи дард», «қора қайғу моҷароси» деб атайти ва:

Сўнгин неча ким узаттим охир,
Йиғлай, йиғлай тугаттим охир.-

Деб бахтсиз ошиқларга ҳамдардлик билдиради. Навоий достонда пок севгини авж пардаларда қуйлайди

Навоий достонда олижаноб соф инсоний муҳаббатни идорк эта олмайдиган, тушинмайдиган кимсалар билан соф севги соҳиблари ўртасидаги тўқнашувни кўрсатади.

Қайс оташин севги ўқида ўзини йўқотиб қўяди ва барча ўрнашган урф-одатларга қарши эркин Ҳаракат қила бошлайти. У хар куни Лайли қобиласига бориб, қизнинг номини қўшиққа солиб қуйлайди.

Лайли, Лайли дебон чекиб ун.
Эм деб: мажнундур, ушбу мажнун.
Даврнинг беғоҳи кишилари Ҳайси бу йилдан қайтаришга ҳаракат қиладилар:
Дерлар менга ишқни унутқил,
Лайли ғамидин қапора тутқил,
Оллоҳ! Оллоҳ! Бу не сўз ўлғай,
Ул қавмга тенгри узр қилғай.

Қайси бу оташин севгидан қайтаршу мақсадида уни муқаддас Каобого олиб борадилар. Лекин Мажнун у ерда ишқдан ҳалос этишни эмас, балки ишқ ўтининг янада тезлаштиришни илтижо қилади:

Демонки, мени тарабга хос эт,
Ёхуд ғами ишқдан ҳалос эт!
Дерменки, манга бу ўтни хар дам,
Афзун қилу, қилма заррас кам!
Лайлининг изтироблари ҳам Мажнунникидан кам эмас эди. Лайли:
Фарёдки, ўлгудек ғалим бор,

Тонг йўқ ғар ўзумга мотамим бор дея ўзининг бошига тушган дард-аламларин ифодалайти.

Мискинмену зори побоста,
Йўқ, йўқни, заъифу пошикаста,
На майли сукун, не хаддирафтор,
Юз қайди бало аро гирифтор
Бўлмок юз алам ўйида маҳбус,
Бир ён, яна бир ён ўлди помус,

Сен тартибон оҳи оташолуд,
Мен ўт ёқибон чиқормайин дуд...

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» гарчи фожиа билан тугаган бўлсада, жамиятнинг қолоқ урф-одатларига, қонун-қоидаларига, жамият тузумига қарши шоирнинг исёни бўлиб жаранглади.

ХУЛОСА

Турон зотини халқлари маънавиятини тасаввуфсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу таълимот шоҳлар сиёсатига ҳам, халқ ҳаёти, санъати, хусусан, адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказиб келди.

Алишер Навоий бутун ҳаётини моҳиятан тасаввуф оқидаларига, хусусан, нақшбандийлик талабларига мос қилиб ўткарди. Ўз даври ва муҳити илғор кишилари қаби, у ҳам бу тариқатни тасаввуфнинг энг мутараққий оқими янглиғ қабул қилди. Буюк олим-Исмоил Бухорий ва улуғ ориф-Баҳоуддин Нақшбанд туфайли юртимизнинг обрўйи ислом оламида шу қадар юксак даражадаки, Маккаю Мадина тарафларида фақат бугунги тушинчамиздаги бухороликлар эмас, Турон заминдан борганларнинг борини «бухорийлар» дейишади. Ватанимиз вакилларига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Бутун биз бунинг сабабларини билимининг ўзи камлик қилади. Биз шу ҳурмат-иззатга лойиқ маънавиятга эришишимиз керак. Бу маънавиятнинг асл манбаи ота-бобларимиздан қолган бой ўтмиш меросимиз. Нақшбандия-ана шундай маънавий сарватларимиздан.

Ҳоҷлари Навоий асарлари мағзи-мағзига сингани учун ҳам тариқатнинг миллий маънавиятимиздаги аҳамияти янада ошади.

Шундай қилиб, Навоий ижодида тасаввуф билан адабиёт олий даражада ўзаро уйғунлашади.

Бу уйғунликнинг асосини эса нақшбандия ташкил этади. Навоий замонасининг энг пешқадам зиёлиси сифатида давр учун расм бўлган тариқатни қабул қилди ва ўз ижоди билан унинг янада оммолашишга, теранглашишга, таъсирчан бир мафкурага айлана боришинга ҳисса қўшди.